



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 24 » dekabr

№ 819

Toshkent sh.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ–347-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **5-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда:**

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда фаолият турларининг хавфлилик даражаларини белгилаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” декабрдаги 819-сон қарорига
1-илова

**Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини
ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бўлинма ва бўлим (цех) – ташкилотдаги бўлинма, бўлимлар, цехлар, омборлар, бюролар, хизматлар ва бошқа мустақил бўлинмалар;

жамоавий ҳимоя воситалари – тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

иш берувчи – қонунчиликда белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси тузган юридик ёки жисмоний шахс;

иш жойи – ходимнинг меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкилот, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек, ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;

ишлаб чиқариш фаолияти – маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш вақтидаги ҳаракатлар йиғиндиси;

меҳнат шароитлари – меҳнат фаолиятини амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлиги, ҳаёти, соғлиғи ва иш қobiliяти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техника, меҳнат хавфсизлиги, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ва воситалари тизими;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари;

меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси – ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёхуд ушбу хизмат функцияларини амалга оширувчи шахс;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари – шартнома асосида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси – ходимлар учун хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинадиган меҳнат шароитлари ҳолати ҳамда уларнинг инсон саломатлиги ва функционал ҳолатига таъсирининг профилактикасига қаратилган чора-тадбирлар тизими;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (кейинги ўринларда – Хизмат) – Хизмат раҳбари (бошлиғи) раҳбарлик қиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар штатидан ташкил топган ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмаси ёхуд ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ва ушбу талаблар бажарилишини назорат қилиш мақсадида мажбурий тартибда тузиладиган ёки жорий этиладиган лавозим

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатининг уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати (кейинги ўринларда – маъмурий-жамоатчилик назорати) – иш берувчи ва касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан иш жойларида, ишлаб чиқариш майдонларида, устахоналарда меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати устидан назорат шакли;

ташкилот – республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар;

шахсий ҳимоя воситалари (кейинги ўринларда – ШХВ) – ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

3. Иш берувчи ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиши, соҳага оид қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиши ҳамда Хизматни ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши шарт.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш давлат томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан бошқарилади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш;

ходимлар ҳимояси учун мўлжалланган хавфсиз техника, технология ва воситаларнинг ишлаб чиқарилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

6. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчиликка мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ходимларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганини ҳамда касб касалликларини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

7. Касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

8. Таркибий бўлинмаларнинг раҳбар ва мансабдор шахслари меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзларига юкланган вазифалар бажарилишига жавобгар бўладилар.

2-боб. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича вазифалар

9. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича комплекс вазифалар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.

10. Ходимларни касб бўйича танлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

касбий танлов ўтказиш тадбирларини ташкил қилиш ҳамда зарур бўлган касб ва мутахассисликларни аниқлаш;

ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолаш;

янги ишга кираётган, шунингдек, бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиш.

11. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

кириш йўл-йўриғи ва иш жойидаги йўл-йўриқларни ўтказиш;

иш жойидаги стажировка ва билимларни текшириш;

хавфлилиги юқори бўлган объектларга хизмат кўрсатиладиган ишга кираётган ходимларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

ходимларни бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга ўқитиш;

ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

12. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги тарғибот ишлари амалга оширилади:

бўлинма ва бўлимларни (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаги ёки ахборот стендлари билан жиҳозлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўргазмалар, танловлар, семинарлар, конференциялар ташкил қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибани ўрганиш, тарғибот қилиш ва жорий этиш;

доимий равишда ташкилотда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш.

13. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг хавфсизлигини таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

асбоб-ускуналарнинг хавфсизлик стандартлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатишни таъминлаш (даврий ва режали таъмирлаш);

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва талабларга мувофиқ иш жойларини ташкил қилиш;

ишлаб чиқаришнинг хавфли (ўта хавфли) ва (ёки) зарарли (ўта зарарли) омиллари манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш;

хавфли блоклар ва ҳудудларни муҳрлаш ҳамда изоляция қилиш учун асбоб-ускуналарни такомиллаштириш.

14. Технологик жараёнлар хавфсизлиги қуйидагилар орқали таъминланади:

технологик жараёнларнинг меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими талабларига мувофиқлигини таъминлаш, технологик жараёнларнинг ишлаш тартибига амал қилиш;

портловчи ва ёнғин хавфи мавжуд моддаларни меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш;

рухсат этилган чегара миқдори (концентрациялар) белгиланмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилмаган зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) моддаларни ишлаб чиқаришда қўллашни тақиқлаш;

зарарли (ўта зарарли), токсик, ионлаштирувчи ва хавфли (ўта хавфли) моддалар қўлланадиган технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш.

15. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларининг хавфсизлиги қуйидагилар орқали таъминланади:

бино ва иншоотларнинг қурилиш меъёрлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда хавфсизлик стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

бино ва иншоотларда мавжуд хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш;

бино ва иншоотларни жорий ва капитал таъмирлаш.

16. Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини меъёрлаштириш қуйидагилардан иборат:

иш жойларида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳароратни таъминлаш;

технологик меъёрларга мос келадиган вентиляция қурилмалари, кондиционерлар ва иситиш тизимларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш;

сунъий ёриткичларни соз ва тоза ҳолатда сақлаш;

бинолар ва хоналар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларини тозалаш;

иш жойлари, шунингдек, ишлаб чиқариш хоналарининг эстетика ва дизайн қоидаларига мувофиқ бўлишини таъминлаш.

17. Ходимларни ШХВ билан таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ШХВга эҳтиёжни аниқлаш ва талабномаларни ўз вақтида тузиш;

ШХВни қабул қилиш, сақлаш ва беришни ташкил қилиш;

ШХВни таъмирлаш, кимёвий тозалаш ва ювишни ташкил қилиш;

ШХВни синашни ва улардан тўғри фойдаланилишини таъминлаш.

18. Иш берувчи томонидан ходимларнинг қулай меҳнат қилиши ва дам олиши қуйидагилар орқали таъминланади:

меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш ҳамда унга риоя қилиш;

тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ҳамда уларнинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш.

19. Ходимларга даволаш-профилактика хизматларини кўрсатиш қуйидагилардан иборат:

дастлабки (ишга қабул қилиш чоғида) ва ёки даврий (иш жараёнида) тиббий кўрикларни ўтказиш, зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари таъсирига учрайдиган ходимларнинг соғлиғи ҳолатини кузатиш, касб касаллиги белгилари бўлган шахсларни текшириш ва даволаш;

даволаш-профилактика муолажаларини ташкил этиш;

белгиланган нормаларга кўра ходимларни сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати ва газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун) ва гигиена воситалари билан таъминлаш;

ходимларни биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларига ўргатиш;

хавфлилиги юқори бўлган бўлинма ва бўлимларни (цех) дори сақланадиган кутича ва шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминлаш.

20. Ходимлар учун санитар-маиший шароитларни яхшилаш қуйидагилар орқали таъминланади:

ходимларнинг ишлаб чиқариш меъёрлари ва хусусиятларига мувофиқ санитар-маиший хоналар ва қурилмалар билан таъминлаш;

санитар-маиший хоналар ва қурилмаларни гигиеник талабларга мос ҳолда сақлаш;

цехларда ва ишлаб чиқариш хоналарида ходимлар овқатланиши учун махсус жойлар билан таъминлаш;

барча бўлинма ва бўлимларни (цех) ва хоналарни кулер қурилмалари ва (ёки) сатуратор ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминлаш;

ходимлар учун бўлинма ва бўлимларда (цех) дам олиш хона (жой)лари билан таъминлаш.

3-боб. Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш

1-§. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш

21. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари ўзларининг барча бўғинларида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишни ушбу Низом талаблари асосида мувофиқлаштиради.

22. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари барча бўғинларида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига амал қилиниши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими режали тарзда амалга оширади.

23. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари ушбу Низомда белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб, ўз ходимлари ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифаларни уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ кўрсатган ҳолда тақсимлаб бериши шарт.

**2-§. Иш берувчи ва масъул шахсларнинг меҳнатни
муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари
ҳамда вазифалари**

24. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимлардан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишларни беҳатар амалга оширишга доир нормаларга, қоидаларга ҳамда йўриқномаларга риоя этилишини талаб қилиш;

алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатини текшириш учун ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш;

ходимларнинг ишлаб чиқаришда олган жароҳатлари оғир-енгиллиги, уларда жароҳатланишга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар бор-йўқлиги, шунингдек, алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида бўлган-бўлмагани тўғрисида маълумотлар олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишининг давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга ёки бевосита судга шикоят қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этганлик учун ходимларни мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш чораларини кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда айбдор бўлган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш.

25. Қуйидагилар иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари ҳисобланади:

ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратиш ва унинг ишлашини таъминлаш;

бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланишда, технологик жараёнларни амалга оширишда, шунингдек, хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришда қўллаш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

иш жойларидаги меҳнат шароитларининг ҳолатини, айниқса, зарарли (ўта зарарли) ишлаб чиқариш омиллари ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилларини назорат қилиш;

ходимларни меҳнат шароитлари, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш жойларидаги ҳамда ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, шунингдек, шу муносабат билан уларга бериладиган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

белгиланган нормаларга кўра ходимларни сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ ходимларга санитария-маиший ва тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтишини таъминлаш;

ходимларни ўқитишни, қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича билимларини текширишни таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўймаслик;

зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) бошқа меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шароитларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини қонунчиликда белгиланган тартибда улардаги меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш;

дастлабки (ишга қабул қилиш чоғида) ёки даврий (иш жараёнида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш;

мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириш;

ходим томонидан меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажариш учун тиббий хулосага мувофиқ қарши кўрсатмалар аниқланганда, уни ишдан четлаштириш;

тиббий хулосага мувофиқ соғлиғининг ҳолатига кўра тўрт ойгача муддатга вақтинча бошқа ишга ўтказишга муҳтож бўлган ходимни ўтказиш рад этилганда ёхуд иш берувчида иш мавжуд эмаслиги муносабати билан бундай ходимга тегишли ишни таклиф этиш мумкин бўлмаганда ишдан четлаштириш;

ходим меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ фойдаланилиши шарт бўлган шахсий ва (ёки) жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланмаганда ишдан четлаштириш;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган самарали ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга, шунингдек, касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига меҳнатни муҳофаза қилишни назорат қилиш, текшириш ва мониторинг қилиш, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларини текшириш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни тақдим этиш;

авария ҳолатларининг олдини олиш, бундай ҳолатлар юз берганда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, шу жумладан, жабрланганларга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариши ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини ўз вақтида кўриб чиқиш;

ходимларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини, шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни таъминлаш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш, шунингдек, уларнинг ҳисобини юритиш.

26. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ташкилотда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари асосида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича ишларга раҳбарлик қилади ва бунинг учун жавобгар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишни, шунингдек, давлат, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи қарорлари, давлат назорат органларининг кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди;

ишлаб чиқариш жараёнларининг ва алоҳида ишларнинг, ташкилотнинг омбор, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг тўғри ва хавфсиз ташкил қилинишини таъминлайди;

қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ бино ва иншоотлардан фойдаланишни, уларнинг меъёрга ишлашини ҳамда санитар-маиший хона ва қурилмалардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил қилади;

янги ва қайта қурилган объектларни қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ фақат махсус давлат комиссияси томонидан қабул қилингандан кейин фойдаланишга киритишни таъминлайди;

хавфсизлик техникаси қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат интизоми меъёрларига риоя қилиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларни ҳамда давлат ва идоравий назорат органлари ва касаба уюшмаси ташкилотларининг кўрсатмаларини (таклифларини) ўз вақтида бажариш учун раҳбарлар, мутахассислар ва ходимларнинг жавобгарлигини белгилайди;

ШХВни олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантиришни ташкил этади ва назорат қилади;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари бепул берилишини таъминлайди ва назорат қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолатининг маъмурий-жамоатчилик назоратини ўтказиш ишларини ташкил этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари асосида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлайди, уларнинг бажарилиши ва белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни ташкил этади, тадбирларни молиялаштиришни ва ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағларнинг тўғри сарфланишини таъминлайди. Меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш режасининг бажарилишини ҳар чоракда камида бир марта кўриб чиқади;

ходимларни касбий-техник тайёргарликдан ўтказишга ҳамда уларга ишнинг хавфсиз услублари ва усулларини ўргатиш бўйича умумий раҳбарлик қилади;

ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик чораларини кўради;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг ўз вақтида ва тўғри текширилишини, қайд қилинишини, ҳисобга олинишини ҳамда белгиланган тартибда хабар берилишини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади;

меҳнатни муҳофаза қилиш хоналарини ташкил қилади ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари, ўқув-кўргазмали куроллар, ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш чораларини кўради.

27. Иш берувчи “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига қуйидаги маълумотлар киритилишини таъминлайди:

а) ҳар йили 20 январга қадар:

меҳнат шароити тўғрисидаги маълумотлар;

зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги билан тавсифланадиган меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсациялар суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

бахтсиз ҳодисалардан жабрланганлар ва касб билан боғлиқ касаллик биринчи маротаба аниқланган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар;

б) доимий равишда:

иш ўринларида меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан ўтказилган аттестация натижалари;

Хизмат ходимлари тўғрисидаги маълумотлар;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малакаси оширилган ва қайта тайёргарликдан ўтган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссиялари ходимлари ўқитилиб, уларнинг билимлари текширилгани тўғрисидаги маълумотлар.

28. Бош муҳандис меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ташкilotда соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ва таъминлаш бўйича барча ташкилий ва техник ишларни бошқаради;

энг янги фан-техника ютуқлари ва бошқа ташкilotларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги, хавфсиз технологик жараёнларни амалиётга жорий этишни ташкил этади. Ишлаб чиқариш объектларини меъёрларга мувофиқ мосламалар ва қурилмалар билан жиҳозлаш чораларини кўради;

янги технологик жараёнлар ва регламентлар, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этади. Технологик ускуналар ва объектларнинг режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш жадвалларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолатининг маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичини ўтказиш бўйича ташкilot раҳбарининг буйруғига асосан доимий фаолият юритувчи комиссияга раҳбарлик қилади;

ҳар чоракда камида бир марта бўлинма ва бўлимларда (цех) меҳнат шaroитларининг ҳолатини, асбоб-ускуналарнинг, сақлагич мосламаларнинг созлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар таклифлари, давлат назорати органлари кўрсатмаларининг бажарилишини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўради;

бўлинма ва бўлимларнинг (цех) барча раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талабларига риоя этилиши, давлат назорати органларининг ва Хизматнинг кўрсатмалари, шунингдек, касаба уюшмаларининг таклифлари бажарилишини назорат қилади;

муҳандис-техник ходимлар йиғилишларида меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш режасининг бажарилишини ҳар чоракда камида бир марта кўриб чиқади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

ташкилот раҳбарининг буйруғига биноан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссиясига раҳбарлик қилади;

ходимларни касбий-техник тайёргарликдан ўтказди, уларни ўқитиш қоидаларига мувофиқ хавфсиз иш услублари ва усулларига ўз вақтида ҳамда сифатли ўргатади, ходимларни ўқитиш жараёнининг ташкил этилишини назорат қилади;

содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни бартараф этиш режалари бўйича ходимларни ўқитиш, шунингдек, инструкторлик вахталари билан ишлашнинг хавфсиз услублари ва усулларига ўқитишни назорат қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича муҳандис-техник ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

йўл-йўриқлар дастурларини, ходимларнинг билимини текшириш учун саволномаларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишга раҳбарлик қилади ҳамда уларни тасдиқлайди;

муҳандис-техник ходимларни меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва йўриқномалар билан таъминлаш чораларини кўради;

меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари асосида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилади, тасдиқлаш учун ташкилот раҳбарига киритади ва унинг бажарилишини назорат қилади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри текшириш ҳамда ҳисобга олишни таъминлайди;

гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни текширишда, уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади, зарур ҳолларда текширув материалларини тегишли органларга юборади;

бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги далолатномаларни (Н-1 шаклда) кўриб чиқади ва ҳужжатларнинг нусхасини тегишли идораларга юбориш учун Хизматга топширади;

бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг назоратини амалга оширади ва самарадорлигини таҳлил қилади;

ишлаб чиқариш ва санитар-маиший объектларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш лойиҳа ҳужжатларининг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари талабларига мослигини кўриб чиқиш ва келишишни ташкил этади, ходимларни белгиланган меъёр асосида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар билан таъминлаш чораларини кўради;

объектларни куриш ва реконструкция қилиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини назорат қилади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари талабларини ҳисобга олган ҳолда янги ва реконструкция қилинган объектларни фойдаланишга қабул қилишда раҳбарлик қилади;

давлат назорати органларининг, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари, ташкилот раҳбарининг буйруқлари ва тасдиқланган чора-тадбирлари ижросини ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олинишини таъминлайди.

Ташкилотда бош муҳандис лавозими мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан ўринбосарлардан ёки муҳандислардан бири томонидан амалга оширилади.

29. Юридик хизмат бошлиғи (юридик хизмат ходими) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик ва етказилган моддий зарар учун жавобгарликка тортиш юзасидан тақдим этилган материаллар бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

хавфсизлик қоидаларини бузиш натижасида ташкилотга етказилган зарарлар учун регресс қийматларини аниқлайди;

ходимларга меҳнат қонунчилиги бўйича маълумотлар ва маслаҳатлар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтиришлар беради;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан жабрланганларга етказилган моддий зарарни компенсация қилиш бўйича ташкилотга киритилган даъволарни кўриб чиқади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда ходимларга етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқади ҳамда моддий зарар тўланиши учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланишини ташкил этади;

соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш чораларини кўради;

иш вақти ва дам олиш вақтининг давомийлиги бўйича меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, аёллар ва вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш, корхона ходимларини бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғри ташкил этилганини назорат қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишини аниқласа, ташкилот раҳбариятига қонунни бузган ходимларга нисбатан чора кўриш бўйича таклифлар беради;

ташкilotнинг ички ҳужжатларида ходимларга нисбатан тазйик ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишга қаратилган тартиблар белгиланишини таъминлайди;

давлат назорати органларининг, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари, ташкilot раҳбарининг буйруқлари ва тасдиқланган чора-тадбирлари ижросини ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олинишини таъминлайди.

30. Бош механик меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

бош механик ташкilotдаги асбоб-ускуналар ва иншоотларнинг профилактик кўриқларини, режали-огоҳлантирувчи таъмирлашни тўғри ташкил этиш ва ўз вақтида ўтказишни таъминлайди;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган синовларнинг тўғри ва хавфсиз, ўз вақтида ўтказилишини, юк кўтариш механизмлари, юк ушлаш ва бошланғич мосламалар, босим остида ишлайдиган аппаратлар ва идишлар, электр пайвандлаш аппаратлари, ацетилен, кислород ва компрессор қурилмалари, абразив доираларни синаш қурилмалари техник кўрик ва текширишдан ўтказилишини таъминлайди;

барча ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва саноат иншоотларининг техник ҳолати, улардан фойдаланилиши ва ўз вақтида таъмирланишини назорат қилади;

машиналар, қурилмалар, асбоб-ускуналар ва иншоотларнинг хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига мувофиқлигини таъминлайди. Техник ҳужжатларнинг юритилишини назорат қилади;

жиҳозлар, механизмлар ва асбоб-ускуналарнинг аниқланган конструктив камчиликларини бартараф этиш ҳамда маънавий эскирган машиналар, механизмлар ва қурилмаларни ўз вақтида алмаштириш чораларини кўради. Янги техника намуналарини синашда иштирок этади;

вентиляция қурилмалари ва тизимларининг самарали ишлашини ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди;

бош механик хизмати ходимларини, шунингдек, юк кўтариш кранларида, босим остида ишлайдиган идишларда ва бошқа мураккаб механизмларда хавфсиз ишлаш услублари ва усуллари бўйича ишловчиларни ўқитишни ва уларнинг билимларини текширишни ташкил этади. Ходимларга иш жойидаги йўл-йўриқни ўтказишда бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатади;

бош механик хизмати ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишни ташкил этади, бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатади;

мураккаб механизмлар ва агрегатларга хизмат кўрсатиш бўйича ходимларнинг белгиланган тартибга риоя этишини таъминлайди;

асбоб ва ускуналарнинг тегишли детал ва узеллари ўз вақтида дефектоскопия қилинишини таъминлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолатининг маъмурий-жамоатчилик назорати учинчи босқичини ўтказишда, шунингдек, ташкилот объектларида ўтказилаётган комплекс ва мақсадли текширувларда иштирок этади;

ерусти ускуналари билан содир бўлган ва бахтсиз ҳодисаларга олиб келмаган аварияларни ўз вақтида текширади ва ҳисобга олади;

бўлинма ва бўлимларда (цех) ускуналардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, монтаж қилиш ва созлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди;

давлат назорати органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари ижросини ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олинишини таъминлайди.

Ташкилотда бош механик лавозими мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан механиклардан бири томонидан амалга оширилади.

31. Бош энергетик (ташкилотнинг электр хўжалигига жавобгар шахс) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

электр ва иссиқлик энергетикаси ускуна ва қурилмаларининг тузилиши, хавфсизлиги ва техник фойдаланиши тўғрисида амалдаги қоидалар асосида ишончли ва хавфсиз ишлашини ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига асосан ишларни ташкил этишни таъминлайди;

электр ва иссиқлик энергетикаси қурилмалари, аппаратуралари ва тармоқларини режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш, профилактик кўрик ва синовни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди. Ушбу қурилмаларнинг ҳолати ва улардан фойдаланилишини техник назорат қилади ҳамда тегишли техник ҳужжатларнинг тўғри юритилишини назорат қилади;

электр ва технологик ускуналарнинг ерга уланишини, қоида ва йўриқномалар талаблари асосида ўз вақтида текширилишини таъминлайди, статик электр зарядини чиқариб ташлаш бўйича зарур чораларни кўради;

буғ ва сув иситиш қозонларининг ички кўрикларини, гидравлик синовларининг ўз вақтида ўтказилишини, уларни техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлашни таъминлайди;

электр ва иссиқлик энергетикаси асбоб-ускуналари ва қурилмаларининг конструктив камчиликларини бартараф этиш, маънавий эскирган қурилмаларини ўз вақтида алмаштириш чораларини кўради;

электр қурилмалари ва сув иситиш қозонларига хизмат кўрсатадиган ходимларни ўқитиш ва билимларини текширишни ташкил қилади;

электр хавфсизлиги бўйича тегишли гуруҳга эга бўлиши керак бўлган касб ва лавозимлар рўйхатини Хизмат билан келишилган ҳолда тузади ҳамда уларни ўқитиш, билимларини текшириш ва электр хавфсизлиги бўйича малака гуруҳи беришни ташкил қилади;

асбоб-ускуналарни хавфсиз ишлатиш ва таъмирлаш бўйича йўриқномаларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилишини ташкил этади, иш жойларини улар билан таъминлайди ҳамда ишлаб чиқариш бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига мазкур йўриқномаларни тузишда амалий ёрдам кўрсатади;

ҳимоя воситаларининг қоида ва меъёрларига мувофиқ равишда ўз вақтида синовдан ўтказилишини (текширилишини) таъминлайди;

бўлинма ва бўлимларда (цех) жиҳозлардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, ўрнатиш ва созлаш жараёнида электр-техник ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари асосида ишлашини таъминлайди;

энергетика ва электр-техника ускуналаридан фойдаланиш, уларни ўрнатиш ва таъмирлаш жараёнида ходимлар томонидан хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларига риоя этилишини таъминлайди;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичини ўтказишда, шунингдек, ташкилот объектларида ўтказилаётган комплекс ва мақсадли текширувларда ҳамда электр хавфсизлигини кўрикдан ўтказишда иштирок этади;

электр ва иссиқлик энергетикаси ускунасидаги авария ва бошқа бузилишларни ўз вақтида текширади ва ҳисобга олади;

ташкилот объектларида электр хавфсизлигига оид техник ҳужжатлар, огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномалар билан таъминлаш чораларини кўради;

давлат назорати органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари ижросини ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олинишини таъминлайди.

Ташкилотда бош энергетик лавозими мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан электр хўжалигига жавобгар бўлган раҳбар (муҳандис) томонидан амалга оширилади.

32. Бош технолог меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

технологик ва конструкторлик ҳужжатларининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси талабларига мувофиқлигини назорат қилади;

Хизмат билан келишган ҳолда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, хавфсизлик техникаси талабларига асосан технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган ички стандартларни ишлаб чиқади ҳамда иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда амалий ёрдам кўрсатади;

технологик ишлаб турган ускуна ва жиҳозларни модернизация қилиш ва лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, технологик жараёнларига ўзгартиришлар киритиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари асосида технологик жиҳозларни оқилона жойлаштиришни таъминлайди;

соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида технологик жараёнлар оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) меҳнат шароитлари омилларининг (шовқин, тебраниш, газланиш, чангланиш ва бошқалар) ходимларга зарарли таъсирларини камайтириш чораларини кўради;

ходимларнинг ШХВни олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш бўйича ташкилотнинг ички меъёрларини ишлаб чиқади, Хизмат, касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган ҳолда ташкилот раҳбарига тасдиқлаш учун киритади;

меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимига асосланиб, ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни текшириш жадвалини тузади ва текширади;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичини ўтказишда, шунингдек, ташкилот объектларида ўтказилаётган комплекс ва мақсадли текширувларда иштирок этади;

жиҳозлар, механизмлар ва асбоб-ускуналарнинг аниқланган конструктив камчиликларини бартараф этиш ҳамда маънавий эскирган машиналар, механизмлар ва қурилмаларни ўз вақтида алмаштириш чораларини кўради. Янги техника намуналарини синашда иштирок этади;

ходимлар иш жойида йўл-йўриқни ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатади;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, техник инспекторлар ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди.

Ташкилотда бош технолог лавозими мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан технолог томонидан амалга оширилади.

33. Кадрлар бўйича (ходимлар билан ишлаш бўлими) инспекторлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда билимларини текшириш бўйича ишларни ташкил қилади;

ички меҳнат тартиби қоидалари ва жамоа шартномаси талабларига ходимлар томонидан риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

ташкilotда ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш чораларини кўради;

меҳнат шароитлари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишларда, тунги сменалардаги ишларда банд бўлган ходимларнинг иш вақти қонунчиликка асосан тўғри ташкил этилишини назорат қилади;

ходимнинг мажбурий тиббий кўрикдан кўрик дастлабки (ишга қабул қилишда) ёки даврий (иш жараёнида) хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, ўтиши билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил қилади ва уларнинг тиббий кўрикдан ўтказилаётгани юзасидан назоратни амалга оширади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда ходимларга етказилган моддий зарар тўланиши учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланишида иштирок этади;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўз вақтида ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади;

ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар учун қўшимча таътиллار ва имтиёзлар қонунчиликда белгиланган тартибда берилишини ташкил қилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлган ходимлар учун ҳужжатларни тайёрлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака оширган ва қайта тайёргарликдан ўтган, ўқитилган ва билимлари текширилган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилишини таъминлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, техник инспекторлар ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди.

Ташкilotда кадрлар бўйича (ходимлар билан ишлаш бўлими) инспекторлари мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкilot раҳбарининг буйруғига асосан кадрлар хизмати вазифаси юклатилган ходим томонидан бажарилади.

34. Бош бухгалтер (бухгалтер) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини назорат қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни (жамоа шартномасида назарда тутилган тадбирлар, шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика, овқатланиш, сут ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа харажатларни) ўз вақтида молиялаштиради;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинишини, шу жумладан, ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар тўғри ва ўз вақтида берилишини назорат қилади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда ходимларга етказилган моддий зарар тўланиши учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланишида иштирок этади ва тўловларни амалга оширади;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, техник инспекторлар ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди.

Ташкилотда бош бухгалтер (бухгалтер) мавжуд бўлмаганда, ушбу вазифалар ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан бухгалтерия хизмати вазифаси юклатилган ходим томонидан бажарилади.

35. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни ва ишларни ташкил этади, технологик жараёнларнинг тўғри амалга оширилишини таъминлайди;

хавфсизлик қоидаларига мувофиқ заҳарли, ўювчи, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган моддаларни сақлаш, ташиш, ишлатиш ва зарарсизлантиришни ташкил этади;

ускуналар, механизмлар, мосламалар, тўсувчи ва сақловчи қурилмаларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг соз ҳолатда ва хавфсиз ишлашини таъминлайди;

бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг ҳамда меҳнат жараёнида тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишга доир профилактика ишларини ўтказиш;

бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид ҳужжатлар, огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномалар билан таъминлаш чораларини кўради;

маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини ўтказишга раҳбарлик қилади ва жадвалини тасдиқлайди;

бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини ўтказди, шунингдек, биринчи босқичи тўғри ўтказилишини назорат қилади;

муҳандис-техник ходимларни ва ишларнинг бевосита бажарувчиларини меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари асосида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва таъминлаш ишларига жалб қилади;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларнинг белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), ШХВга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва ўз вақтида берилишини таъминлаш, шунингдек, ходимларнинг ШХВни олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш ишларини ташкил қилади;

ҳар ҳафтада бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнат шароитларининг ҳолатини ва асбоб-ускуналар, механизмлар, мосламалар ва асбоблардан, шамоллатиш қурилмаларидан, иситиш ва ёритиш тизимларидан, тўсувчи ва сақловчи қурилмалардан, автоматик назорат ва огоҳлантирувчи қурилмаларидан тўғри фойдаланилаётганини текширади;

ҳар ойда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар, бригадирлар ва муҳандис-техник ходимларнинг иштирокида усталарнинг тезкор йиғилишини ўтказди, ушбу йиғилишларда текширишлар натижалари, усталарнинг объектлардаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотларини эшитади, алоҳида хавфсизлик қоидалари бузилиши ҳолатларини таҳлил қилади, шунингдек, хавфсизлик қоидаларининг қўпол ва такроран бузилиши ҳолатларини тегишли ходимлар (смена, вахта ишчилари) иштирокида кўриб чиқади;

ҳар ойда ташкилот раҳбариятига бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнат шароити тўғрисида ахборот беради;

ўқув дастурларига мувофиқ ходимлар ва усталар ишларнинг хавфсиз услублари ва усулларига ўз вақтида ва сифатли ўқитилишини ташкил этади ва амалга оширади;

усталар (муҳандис-техник ходимлар ва бригадирлар) томонидан ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўз вақтида ва сифатли йўл-йўриқдан ўтказилишини назорат қилади;

ҳар бир бўлинма ва бўлим (цех) учун хавфсиз ишлаш бўйича зарур йўриқномалар рўйхатини тайёрлайди, керакли йўриқномаларни ишлаб чиқади ва қайта кўриб чиқади;

ходимларнинг иш жойидаги йўл-йўриқ дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлангандан сўнг уларни йўл-йўриқ ўтказиш учун масъул бўлган шахсларга тақдим этади, шунингдек, ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини текшириш учун саволномалар ишлаб чиқади;

меҳнат шароитларини соғломлаштириш, ҳаво муҳити, ёритиш, иссиқлик ва ичимлик суви режимининг норматив ҳолатини таъминлаш, шовқин ва тебраниш даражасини пасайтириш бўйича чоралар кўради;

меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ташкилот раҳбариятига тегишли режаларга киритиш учун тақдим этади ҳамда режалаштирилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида ташкилот раҳбариятига, Хизмат ва касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига зудлик билан хабар қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ва Хизмат билан биргаликда бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақида ҳодиса юз берган пайтдан бошлаб икки кундан кечиктирмай, бўлинма ва бўлимнинг (цех) барча усталарини (муҳандис-техник ходимлар ва бригадирлар) хабардор қилади;

белгиланган муддатларда далолатномада (Н-1 шаклда) кўрсатилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди ва уларнинг бажарилгани тўғрисида Хизматга хабар қилади;

бўлинма ва бўлим (цех) усталарини ташкилотнинг бошқа цехида, участкасида ёки бошқа бўлинма ва филиалларида юз берган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабардор қилади, шунга ўхшаш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича объектлар ва иш жойларида ўрганишларни ташкил қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, техник инспекторлар ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди.

36. Уста меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ишларни тўғри ва хавфсиз ташкил этилишини, асбоб-ускуналар, механизмлардан фойдаланишни ва иш жойларини зарур ҳолатда сақлашни таъминлайди;

иш жойида деталлар, эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар тўғри сақланишини, пиёдалар ҳамда транспорт воситалари ўтиш жойларининг тўсилишлари ва ифлосланмаслигини таъминлайди;

бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичи ўтказилишини ташкил этади;

иш жойларда, ускуна, механизмлар, мосламалар, асбобларнинг соз ҳолатдалигини доимий назорат қилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

мураккаб ва хавфли ишларга олдиндан ишлаб чиқилган ишларни ташкил қилиш режаси, лойиҳаси ёки наряд-иҳозатга асосан бевосита раҳбарлик қилади;

ходимлар томонидан меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, ишларни хавфсиз амалга ошириш қоидаларга, йўриқномаларга, технологик режимларга ва регламентларга риоя этилишини таъминлайди. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган тақдирда, ишларни тўхтатиш чораларини кўради;

ускуналар, механизмлар, мосламалар ва асбобларнинг соз ҳолатдалиги ва улардан тўғри фойдаланишни, шунингдек, шамоллатиш қурилмалари ва тизимларининг узлуксиз ишлашини, иш жойлари нормал ёритилишини, тўсувчи ва сақловчи қурилмалар мавжудлиги ва созлигини назорат қилади;

ҳар куни иш бошланишидан олдин барча иш жойларда ускуналар, механизмлар, мосламалар ва асбобларнинг соз ҳолатдалигини текширади. Бунда текширувни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил билан биргаликда, у бўлмаган тақдирда, мустақил равишда ўтказади;

ҳар ҳафтада меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда меҳнат шароитларининг ҳолати тўғрисида раҳбариятга ахборот киритиб боради;

ишларни хавфсиз амалга ошириш бўйича белгиланган муддатларда ходимларга йўл-йўриқ беради ҳамда бу ҳақида йўл-йўриқларни қайд этиш журнаliga тегишли ёзувларни киритади;

юқори хавфли ишларни бажариш учун наряд-ижозат берилаётганда йўл-йўриқдан ўтказади, йўл-йўриқни рўйхатга олиш журнаliga ва наряд-ижозатга тегишли ёзувни қайд қилади;

янги ходимлар стажировкадан ўтишини назорат қилади, ходимларга йўриқнома талабларини, хавфсиз иш услублари ва усуллари тушунтиради ва амалда кўрсатиб беради;

бўлинма ва бўлимда (цех) тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

жабрланувчига шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатилишини ва унинг тиббиёт муассасасига юборилишини ташкил этади, юз берган бахтсиз ҳодиса тўғрисида бевосита раҳбариятни дарҳол хабардор қилади, иш жойидаги вазиятни ва асбоб-ускуналарнинг ҳолатини ҳодиса содир бўлган пайтда қандай бўлса, шундай сақлаш чорасини кўради (агарда атрофдаги ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солмаса ва авариялар келтириб чиқармаса);

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, техник инспекторлар ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди.

37. Бригадир меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

бригада аъзолари томонидан муҳофаза қилиш соҳасида ишларни бажариш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар ва йўриқномаларда назарда тутилган меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига, технологик жараён ва ташкилий-техник чора-тадбир ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлайди;

иш бошланишидан аввал иш ўринларининг ҳолатини текширади, аниқланган камчиликлар бригада аъзолари томонидан бартараф этилишини ташкил этади ва бу ҳақида иш юритувчини, устани хабардор қилади;

мавжуд дастгоҳлар, қурилмалар ҳамда асбоб-ускуналарнинг соз ҳолатдалигини доимий назорат қилади;

бригада аъзолари томонидан меҳнат интизомига ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва йўриқномалар талабларига риоя этилишини ҳамда ШХВдан тўғри фойдаланишни доимий назорат қилади;

жабрланганларга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатишни ташкил этади ва бахтсиз ҳодиса ҳақида уста, иш юритувчи ёки ташкилот раҳбариятига дарҳол хабар беради;

бригаданинг иш ўринлари ва санитар-маиший хонаси тоза ҳолда сақланишини таъминлайди;

доимий равишда янги ходимларни стажировка ўташи учун малакали ходимларга бириктириш бўйича таклифлар киритади. Ходимларга қоида ва йўриқномалар талабларини тушунтиради, ишни тўғри бажариш услублари ва усуллари ўргатади;

бригадада меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичини ўтказади;

давлат назорати органларининг, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари, ташкилот раҳбари ва бош муҳандиснинг буйруқлари бажарилишини ва тасдиқланган чоратадбирлар амалга оширилишини ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олинишини таъминлайди.

38. Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига мос бўлган иш жойига эга бўлиш;

иш берувчидан, бевосита раҳбаридан меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шунингдек, ШХВ ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақида ахборот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ иш берувчининг маблағлари ҳисобидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилиши оқибатида ўз ҳаёти ва соғлиғи учун хавф юзага келган тақдирда, бундай хавф бартараф этилгунига қадар ишларни бажаришни рад этиш;

тазйик ва зўравонликка учраган тақдирда иш берувчига, давлат назорати органларига ҳамда судга шикоят қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи орган томонидан ўз иш жойидаги меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни текширувдан ўтказишни сўраш;

иш берувчининг маблағлари ҳисобидан меҳнатнинг хавфсиз услублари ва усуллари бўйича ўқиш;

қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва компенсациялар олиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда майиб бўлгани, касб касаллиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилгани муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни иш берувчи томонидан қопланиши;

ўз иш жойида меҳнат қилиш учун хавфсиз шароитлар таъминланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқиладиганда ва ўзи билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ёки унинг касб касаллиги текшириладиганда шахсан ўзи ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши;

тиббий тавсияларга мувофиқ тиббий кўрикдан ўтиш вақтида ўз иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолинган ҳолда мазкур тиббий кўрикдан навбатдан ташқари ўтиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилиши оқибатида иш жойи тугатилган тақдирда, иш берувчининг маблағлари ҳисобидан қайта тайёргарликдан ўтиш.

39. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари:

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар талабларига риоя қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, хавфсизлик техникаси қоидалари, меъёрлари, йўриқномалари ва кўрсатмалари талабларига мувофиқ сақланишини ташкил қилиш;

меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар талабларига риоя қилиш;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни билиш ва улардан тўғри фойдаланиш;

шахсий гигиена талабларига риоя қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтиш;

бахтсиз ҳодисалар юз берганда, жабрланганларга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини билиш ва амалий кўникмаларга эга бўлиш;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирувчи ҳар қандай вазият тўғрисида, шунингдек, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчини ёки ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиш;

тазйиқ ва зўравонликка ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишига йўл қўймаслик;

Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмаларини, ташкилот раҳбарининг буйруқларини бажариш ва тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифларини инобатга олиш.

3-§. Маъмурий-жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш усули

40. Ташкилотларда маъмурий-жамоатчилик назорати ташкил этилиши керак.

Хавфлилик даражаси биринчи тоифага мансуб бўлган ташкилотларда маъмурий-жамоатчилик назоратини ташкил этиш ташкилотнинг касаба уюшмалар ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ташкилот раҳбари томонидан мустақил ҳал этилади.

Ташкилотнинг хавфлилик даражаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига мувофиқ белгиланади.

Маъмурий-жамоатчилик назорати ташкилот раҳбарлари, муҳандис-техник ходимларининг мансаб (лавозим) йўриқномаларидаги вазифаларига мувофиқ маъмурий назоратни, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишни истисно этмайди.

41. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига, ташкилот тузилмасига ва унинг тасарруфидаги бўлинма ва бўлимлар (цех) кўламига қараб, маъмурий-жамоатчилик назорати қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи босқич – бўлинма ва бўлимларнинг (цех) участкасида, сменада, бригадада;

иккинчи босқич – бўлинма, бўлим, ишлаб чиқариш ёки ташкилот участкасида;

учинчи босқич – ташкилотда умумий.

42. Маъмурий-жамоатчилик назоратини ўтказиш учун ишлаб чиқариш бўлинмалари иш берувчи ва касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан бегиланади.

43. Маъмурий-жамоатчилик назоратини ташкил қилишга иш берувчи ва касаба уюшмаси раиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбарлик қилади.

44. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичи тегишли участка бошлиғи (уста, участка бошлиғи, смена бошлиғи, бригадир) томонидан ҳар куни иш кунининг (сменанинг) бошида, зарурат бўлганда (юқори хавф бўлган ишларда) иш куни (смена) давомида амалга оширилади ва қуйидагилар текширилиши керак:

олдинги текширувда аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳолати;

иш жойларини ташкил этишнинг тўғрилиги ва ҳолати (зарур асбоблар, мосламалар ва бошқалар жойлашган жойи ва мавжудлиги);

ўтиш жойлари ва автомобиль йўллари ҳолати;

технологик ускуналар, юк кўтариш ва транспорт воситаларининг хавфсизлик ҳолати;

электр қурилмалари ва асбоб-ускуналари билан ишлашда электр хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши ҳамда электр хавфсизлиги бўйича огоҳлантирувчи белгилар мавжудлиги;

ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларни омборда сақлаш қоидаларига риоя қилиш ҳолати;

етказиб бериш ва шамоллатиш тизимлари, маҳаллий чиқиндилар, чанг ва газни ушлаб қолиш мосламаларининг яроқлилиги;

зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли), портловчи ва ёнғин хавфи мавжуд моддалар ва материаллар билан ишлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳолати;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномалар мавжудлиги;

ходимлар томонидан тазйиқ ва зўравонликка йўл қўйилмаётгани, ходимларнинг мажбурий тиббий кўрикдан, кириш ва иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтгани;

ИХВнинг мавжудлиги, ходимларнинг улардан тўғри фойдаланиш ҳолати;

ходимларда хавфсизлик техникаси бўйича гувоҳномалар (махсус касблар учун), хавфли ишларда ишлаш учун наряд-ижозат мавжудлиги.

Ташкилотлар ўз фаолиятларидан келиб чиқиб, қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

45. Назоратнинг биринчи босқичи натижаларига кўра қўйидагиларни амалга ошириш керак:

текширув давомида аниқланган қоидабузарлик ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва белгиланган муддатларда бажарилиши учун жавобгар шахсларни белгилаш;

аниқланган қоидабузарлик ва камчиликларни бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарининг бевосита назорати остида дарҳол бартараф этиш;

аниқланган қоидабузарлик ва камчиликларни бўлинма ва бўлим (цех) ўз кучи билан бартараф эта олмаган тақдирда, унда бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари тегишли чоралар кўриш учун текширув якунида бу ҳақида юқори турувчи раҳбарга ёзма равишда хабар бериш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиш хавфи мавжуд бўлса, камчилик бартараф этилгунга қадар ишни тўхтатиш;

участка бошлиғи (уста, участка бошлиғи, смена бошлиғи, бригадир) ўз гуруҳларини смена йиғилишларида назоратнинг биринчи босқичида аниқланган қоидабузарликлар ва кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиш;

ҳар куни смена тугагандан сўнг участка бошлиғи (уста, участка бошлиғи, смена бошлиғи, бригадир) ишлаб чиқариш жойидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисида бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарига ҳисобот бериш.

46. Аниқланган камчиликлар ўн иш куни ичида бартараф этилмаган тақдирда, аниқланган камчиликлар маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичига ўтказилади.

Текширув натижалари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичини қайд қилиш журналида ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд этилади (қайд қилиш журнали участка бошлиғида сақланади).

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичини ўтказган масъул ходимларнинг шахсий кабинети бўлиши шарт.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга кириш ва тасдиқлаш ягона идентификация тизими (OneID) орқали амалга оширилиши керак.

47. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичи бўлинма ва бўлим (цех) бошлиғи ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг (касаба уюшма аъзоси бўлган катта вакил) вакили бошчилигида ҳар ўн беш кунда ўтказилади.

48. Иккинчи босқич назоратини ўтказиш учун текширишга тегишли муҳандис-техник ходимлар, Хизмат ва тиббий хизмат ходими таклиф этилиши мумкин.

Текшириш жадвали бўлинма ва бўлим (цех) бошлиғи томонидан тузилиб, Хизмат ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг (касаба уюшма аъзоси бўлган катта вакил) вакили билан келишилган ҳолда ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис томонидан тасдиқланади ва барча участка (уста, участка бошлиғи, смена бошлиғи) бошлиқларига берилади.

49. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичида қуйидагилар текширилиши керак:

маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичида аниқланган камчиликларни бартраф этигани ҳолати;

давлат назорати органларининг, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари, ташкилот раҳбари ва бош муҳандиснинг буйруқлари бажарилиши ва чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили таклифлари инобатга олингани;

транспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускуналарининг яроқлилиги, технологик жараёнларнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

электр қурилмалари ва асбоб-ускуналари билан ишлашда электр хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши ҳамда электр хавфсизлиги бўйича огоҳлантирувчи белгилар мавжудлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномаларнинг тегишли жойларда жойлаштирилгани;

ишлаб чиқариш ускуналари, шамоллатиш тизимлари ва қурилмаларини, ёритилганлик, технологик жараёнлар йўриқномаларига ва профилактика кўриклари, режали-огоҳлантирувчи таъмирлашга риоя қилиш ҳолати;

ўтиш жойлари ва автомобиль йўлларининг ҳолати;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хавфсизлик бурчакларининг мавжудлиги ва ҳолати;

ёнғинга қарши воситалар, қурилмалар, химоя-огоҳлантирувчи тизимларининг мавжудлиги ва ҳолати;

зарарли, портловчи ва ёнғин хавфи мавжуд моддалар ва материаллар билан ишлашда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши;

ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ўқитилгани ва билимлари текширилгани ҳамда унинг сифати;

бўлинма ва бўлимда (цех) тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ҳамда унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши;

ШХВнинг мавжудлиги ва талабларга мувофиқлиги ҳамда ходимларнинг улардан тўғри фойдаланиши;

иш жойларида ходимлар санитария қоидаларига асосан ичимлик суви билан таъминлангани;

иш жараёнида ходимларга сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқатлари берилиши;

санитария-техник воситалар ва қурилмаларнинг ҳолати;

белгиланган тартибда дам олиш жойлари ташкил этилгани, дам олиш ва меҳнат интизомига риоя қилиниши.

Ташкилотлар ўз фаолиятдан келиб чиқиб, бунга қўшимча равишда талаблар белгилашга ҳақли.

50. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини текшириш натижаларига кўра қўйидагиларни амалга ошириш керак:

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг (касаба уюшма аъзоси бўлган катта вакил) вакили билан келишилган ҳолда, текширув давомида аниқланган қоидабузарлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларни амалга ошириш муддатларини ва жавобгар шахсларни белгилаш;

агарда белгиланган чора-тадбирлар бўлинма ва бўлим (цех) томонидан амалга оширилмаган тақдирда, бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари тегишли чораларни кўриш учун бу ҳақида юқори турувчи раҳбарга хабар бериш;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиш хавфи мавжуд бўлса, бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари томонидан камчилик бартараф этилгунга қадар ишни тўхташ;

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

белгиланган чора-тадбирларни бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг (касаба уюшма аъзоси бўлган катта вакил) вакили тўғри амалга оширилишини Хизмат томонидан текшириб бориш;

ҳар ойда бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг (касаба уюшма аъзоси бўлган катта вакил) вакили ўз жамоаларига бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ҳамда маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи ва учинчи босқичларида комиссия томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида маълумот бериш;

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари ҳар ойда бир марта ташкилот раҳбариятига ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига бўлинма ва бўлимда (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш.

51. Аниқланган камчиликлар бир ой ичида бартараф этилмаган тақдирда, ушбу камчиликлар маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичига ўтказилади.

Текширув натижалари ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини қайд қилиш журналида ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд этилади (қайд қилиш журнали бўлинма ва бўлим (цех) бошлиғида сақланади).

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини ўтказган масъул ходимларнинг шахсий кабинети бўлиши шарт.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга кириш ва тасдиқлаш ягона идентификация тизими (OneID) орқали амалга оширилиши керак.

52. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолатининг маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичини ўтказиш бўйича ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан доимий фаолият юритувчи Комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига бош муҳандис, Хизмат бошлиғи, касаба уюшмаси раиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакили, бош механик, бош энергетик, бош технолог ва кадрлар хизмати (мутахассиси) бошлиғи, фуқаро муҳофазаси ёки ёнғин хавфсизлиги бўйича муҳандис киради. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги хизмати бошлиғи киритилади.

Маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичида бўлинма ва бўлимнинг (цех) раҳбари иштирок этиши керак.

Бир мартада назорат қилиш имконсиз бўлган йирик ташкилотда (объектлар) алоҳида бўлинма ва бўлим (цех) бўйича йиллик жадвал асосида маъмурий-жамоатчилик назорати ўтказилади. Ушбу жадвал йил давомида ҳар бир бўлинма ва бўлим (цех) камида тўрт марта, хавфли ишлаб чиқариш объектларида ва ноқулай меҳнат шароитлари мавжуд бўлган бўлинма ва бўлимларда (цех) эса камида ўн икки марта маъмурий-жамоатчилик назорати ўтказиладиган шаклда тузилиши керак.

Маъмурий-жамоатчилик назорати жадвали Хизмат томонидан тузилади, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишади, тасдиқлаш учун ташкилот раҳбарига киритади, тасдиқланган жадвални ташкилотнинг барча бўлинма ва бўлимлари (цех) ҳамда касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига юборади.

Маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичи комиссияси ташкилотнинг айрим объектларида текшириш ўтказиш учун ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган раҳбарларнинг ўринбосарлари назорати остида бир нечта гуруҳларга бўлиниши мумкин.

53. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичида қуйидагилар текширилади:

маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи ва иккинчи босқичларида аниқланган камчиликларни бартараф этиганлиги ҳолати;

маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичи ўтказилиши натижасида белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши;

давлат назорати органларининг, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, техник инспекторлари ва Хизмат ходимларининг бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалари, юқори турувчи ташкилотларнинг буйруқ ва фармойишлари ҳамда касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан берилган тақдимномаларнинг бажарилиши;

комплекс режаларда, жамоа шартномаларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимларда ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси стандартларининг жорий этилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ цехларнинг бинолари, иншоотлари, хоналари ва уларга туташ ҳудудларнинг техник ҳолати, сақланиши, йўлнинг қатнов қисмлари ва пиёдалар ўтиш жойлари, туннеллар ҳолати;

кириш ва чиқиш вентиляцияси, чанг ва газни ушлаш қурилмаларининг ишлаш самарадорлиги;

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш жадвалларининг бажарилиши, коммуникациялар ва энергетика асбоб-ускуналарини улаш схемаларининг мавжудлиги;

ходимларнинг махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа ШХВ билан таъминлангани, уларнинг тўғри берилгани, сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлашнинг ташкил этилгани;

ходимларнинг санитария-техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминлангани;

ходимларга тиббий-профилактика хизматлари ташкил этилгани;

бўлинма ва бўлимда (цех) тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилгани;

меҳнатни муҳофаза қилиш хоналарининг ҳолати;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги бўйича огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномалар мавжудлиги;

ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилгани ва уларнинг билимлари текширилгани, мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилгани;

бўлинма ва бўлим (цех) ходимларининг фавқулодда вазиятларда ишлашга тайёргарлиги;

белгиланган тартибда дам олиш жойлари ташкил этилгани, дам олиш ва меҳнат интизомига риоя қилиниши.

54. Маъмурий-жамоатчилик назоратининг учинчи босқичини текшириш натижалари бир ҳафта муддатда ташкилот раҳбари бошчилигида касаба уюшмаси раиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакили, текширув ўтказган бўлинма ва бўлимларнинг (цех) раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинади.

55. Йиғилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг ахбороти эшитилади ҳамда йиғилиш якунлари бўйича баённома ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури расмийлаштирилади.

4-боб. Ташкилотларда Хизмат фаолиятини ташкил этиш тартиби

1-§. Умумий талаблар

56. Иш берувчи ташкилотда Хизмат ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши шарт.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Хизматни ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этмаслик меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳисобланади.

57. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари сони меъёрлари ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланади.

Хизмат меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш шуъбаси шаклида тузилиши ёхуд битта меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис ёки муҳандис штатидан иборат бўлиши мумкин.

Хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартириш ёки ташкилотнинг бошқа таркибий бўлинмаларига қайта тақсимлаш мумкин эмас.

Хизмат бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.

58. Ташкилотларда идоравий (тузилмавий, аъзолик, назорат остидаги) бўлинмалар сони, фаолият хусусиятлари, иш берувчининг фаолияти турлари хавфлилиги даражалари таснифи ва ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда Хизмат (бошқармалар, бўлимлар, шуъбалар) ташкил этилади, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади ёхуд Хизмат функцияларини бажариш махсус тайёргарликка эга ходимга юкланади.

Бунда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш ёки Хизмат функциялари махсус тайёргарликка эга бўлган ходимга юклаш махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда, ушбу органлар ходимларининг тасдиқланган сони, улар тузилмасига кирадиган ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари, иш берувчининг фаолияти турлари хавфлилиги даражалари таснифи ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

59. Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилмаси ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ белгиланади.

60. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ва қонунчиликка мувофиқ ходимларни ёллаб, ўз фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликларида (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаган шартларда) иш берувчининг қарорига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимлари жорий этилади ёки Хизматнинг функцияларини бажариш махсус тайёргарликка эга бўлган ходимга юкланади.

61. Хизмат функцияларини амалга ошириш учун ушбу Низомнинг 61-бандида белгиланган ҳолларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари жалб қилиниши мумкин.

62. Ишлаб чиқаришни амалга оширувчи элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда Хизматдан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ташкилотларда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил қилиш ва фаолиятини амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

63. Хизмат ўз фаолиятини ташкилотнинг бошқа бўлинмалари, касаба уюшмалари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, юқори турувчи ташкилотнинг Хизмати (агар у мавжуд бўлса) билан келишилган ҳолда, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган чораклик ва йиллик режалар асосида амалга оширади.

64. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-§. Хизматнинг вазифалари ва функциялари

65. Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси талаблари бажарилишини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, жамоа шартнома ва битимлар, ташкилотнинг бошқа локал норматив ҳужжатларига ходимлар риоя этишини назорат қилиш;

ишлаб чиқаришда жароҳат олишнинг, касбга касаллигига чалинишнинг ва ишлаб чиқариш омиллари билан изоҳланадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини, шунингдек, меҳнат шароитларини яхшилаш ишларини ташкил этиш;

ташкilot раҳбари ва ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича хабардор қилиш ва маслаҳат бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажриба ва илмий ишланмаларни жорий этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тарғиб қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ташкilot ходимларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини амалга ошириш.

66. Хизмат ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ходимлар томонидан меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда хавфсизлик техникаси талаблари бажарилишини таъминлаш соҳасида:

тегишли бўлинмалар вакиллари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирокида бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, мосламалар, ходимларнинг жамоавий ва шахсий ҳимоя воситалари техник ҳолатини, санитария-техника қурилмаларининг ҳолатини, шамоллатиш тизимлари ишлашининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текширади;

ташкilotларда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга доир ишлар шакллари ва усулларини такомиллаштиришни таъминлайди;

ташкilotнинг таркибий бўлинмалари билан биргаликда меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

меҳнат хавфсизлиги стандартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига оид лойиҳаларни кўриб чиқиш, келишиш ва ишлаб чиқишда иштирок этади;

ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишда иштирок этади;

2) меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари ва ташкilotнинг бошқа ҳужжатларига ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш соҳасида:

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги белгиланган муддатларда мажбурий суғурта қилинишини назорат қилади;

қурилиши битказилган ёки реконструкция қилинган ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларни фойдаланишга топшириш учун қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида, шунингдек, таъмирдан чиққан қурилмалар, агрегатлар, дастгоҳлар ва бошқа ускуналарни қабул қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилганини текшириш бўйича комиссиялар ишларида иштирок этади;

иш ўринларининг меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади ва аттестация комиссияси таркибида иштирок этади;

иш жойлари меҳнат шартлари бўйича аттестациядан ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади;

ходимлар томонидан ШХВ тўғри қўлланишини текширади;

асбоб-ускуналар, машиналар ва механизмлар тегишли хизматлар томонидан ўз вақтида лозим даражада текширилишини ва техник кўрикдан ўтказилишини назорат қилади;

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўз вақтида ўқитилиши, билимлари текширилишини ва барча турдаги йўл-йўриқлардан ўтказилишини назорат қилади;

ташкilotнинг таркибий бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси талабларига доир тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

ходимларнинг ШХВни олиши, сақлаши, ювиши, тозалаши, таъмирлаши, дезинфекция қилиши ва зарарсизлантирилишини ташкил этишни назорат қилади;

жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимидаги тадбирлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишувлар, бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарган сабаблар бартараф этилишини, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органлар кўрсатмалари, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга доир бошқа тадбирлар амалга оширилишини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назорат қилади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ ҳужжатларнинг (Н-1 шаклидаги далолатнома, бахтсиз ҳодисаларни текширишга доир ҳужжатлар, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш материаллари ва бошқа ҳужжатларни) сақланишини таъминлайди;

ташкilotда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички аудит ўтказади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари текширилишини ва ҳисобга олинишини назорат қилади;

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўз вақтида қопланишини назорат қилади;

ташкilotлар ва уларнинг таркибий бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этиш бўйича назорат функцияларини амалга оширади;

3) меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигининг олдини олиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш ва такомиллаштириш соҳасида:

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалиниш ҳолатларини таҳлил қилади ва сабабларини аниқлайди;

иш жойларида меҳнат шароитлари ҳолати, касб касаллигига чалиниш сабаблари ва муддатлари, шунингдек, зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида ходимларни иш берувчи номидан хабардор қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида энг кўп учрайдиган қонунчилик бузилиши ҳолатларини аниқлайди ва келиб чиқиш сабабларини ўрганади;

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари ҳамда ташкилотнинг бошқа хизматлари билан биргаликда меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишининг олдини олиш, меҳнат шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари ҳамда ходимларига хавфсизлик техникаси, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, шунингдек, эргономика, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари тўғрисида тушунтиришлар беради;

бўлинма ва бўлим (цех) ҳамда тегишли хизматлар раҳбарлари билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак бўлган касблар ва иш турларининг рўйхатини тузади;

ташкилотда ички аудит ўтказиш тартибини ишлаб чиқади;

таркибий бўлинмаларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг комплекс режаларини ва санитария-соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади, шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида меҳнатни муҳофаза қилишга доир битимларни тайёрлашда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати мониторингини юритади ва у бўйича белгиланган шакллар ва тегишли муддатларда ҳисобот тузади;

ташкилотда ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олишда иштирок этади;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллигига чалиниши натижасида ходимларнинг саломатлигига етказилган зарар ўрнини қоплаш учун ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

ташкилотдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этади;

4) ташкилот раҳбари ва ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича хабардор қилиш ҳамда уларга маслаҳат бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажриба ва илмий ишланмаларни жорий этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тарғиб қилиш соҳасида:

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ходисалар ҳақида раҳбариятни хабардор қилади;

хавфли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилишнинг мукамалроқ усуллари, қурилмалари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва ташкилот раҳбариятига тақдим этади;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илмий-амалий ишланмаларни жорий этишга доир ишларда иштирок этади;

ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаларини, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари тизимини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда ташкилот бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига услубий ёрдам кўрсатади;

5) меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ташкилот ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш, уларнинг билимларини текшириш ҳамда малакасини ошириш тадбирларини амалга ошириш соҳасида:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ташкилот ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш, уларнинг билимларини текшириш ҳамда малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш учун юбориладиган ходимлар рўйхатини шакллантиради;

ишга янги кираётган барча ходимлар, бошқа ташкилотлардан хизмат сафарига юборилган ходимлар, пудрат (субпудрат) ишларини амалга оширувчи ходимлар (малакаси, иш стажы ва иш тажрибасидан қатъи назар) ҳамда амалиёт ўтаётган талабалар ва ўқувчиларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш йўл-йўриғидан ўтказди;

аттестация ўтказувчи комиссия аъзоларининг ҳамда раҳбар ва мутахассисларнинг билимларини текшириш бўйича доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссияси ишида иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига раҳбарлик қилади, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари тарғиб қилинишини ва кенг ёритилишини ташкил этади;

тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади;

ташкилотнинг бўлинма ва бўлимларининг (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин ва электр хавфсизлиги ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид техник ҳужжатлар, огоҳлантирувчи белгилар, кўргазмали плакатлар ёки видеороликлар, ёзувлар ва йўриқномалар билан таъминланганини назорат қилади;

ташкилот ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга киритилаётган янги қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида хабардор қилади.

67. Хизматга ушбу Низомда назарда тутилмаган функцияларни юклаш тақиқланади.

3-§. Хизмат ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

68. Хизмат ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкилотнинг ишлаб чиқариш, хизмат ва маиший биноларини монеликсиз бориб кўриш, ўз ваколати доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларига доир ҳужжатларни ўрганиш;

ташкилотнинг барча бўлинма ва бўлимларида (цех) меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни текшириш ҳамда бўлинмалар раҳбарларига, ташкилотнинг бошқа мансабдор шахсларига текширувларда аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларидан бундай турдаги ишни бажаришга рухсати бўлмаган, мажбурий тиббий кўрикдан дастлабки (ишга қабул қилиш чоғида) ёки даврий (иш жараёнида) кўриклардан ўтмаган, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ берилмаган, тақдим этилган ШХВдан фойдаланмайдиган, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузадиган ходимларни ишдан четлатишни талаб қилиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилган ҳолларда машиналар, асбоб-ускуналар ва мосламалардан фойдаланишни тақиқлаш (тўхтатиб туриш), цехларда, участкаларда, иш жойларида ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиш, иш берувчини бу ҳақида огоҳлантириш. Бунда машиналардан, асбоб-ускуналардан қайта фойдаланишга ва ишлаб чиқаришни қайта бошлашга фақат ташкилотнинг раҳбари ёки бош муҳандиси Хизматнинг ҳулосаси асосида рухсат бериши мумкин;

ташкилот раҳбарияти билан келишган ҳолда, бошқа бўлинма ва бўлимларнинг (цех) тегишли мутахассисларини ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текширишга жалб қилиш;

ташкилотнинг бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларидан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир зарур маълумот, ахборот ва материалларни сўраш ва олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган, хавфсиз меҳнат услублари ва усулларини қўллашга доир йўриқномаларга риоя қилмаган ходимлардан иш берувчи номидан ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича фаол ишлаган айрим ходимларни рағбатлантириш бўйича таклифлар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, хавфсиз меҳнат услублари ва усулларига доир йўриқномалар бузилишида айбдор бўлган шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилот раҳбариятига тақдимнома киритиш;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича иш берувчига тақдимнома киритиш;

ташкилотнинг бўлинма ва бўлимларидан (цех) маълумотлар, ҳисоботлар ва ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда назорат функцияларини бажариш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар тақдим этилишини талаб қилиш;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини ўз вақтида мажбурий суғурта қилиши тўғрисида огоҳлантириш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш жараёнларида иштирок этиш ҳамда таклифларни тайёрлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши юзасидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиш.

Хизмат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

69. Хизмат ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни зарур тарзда ва самарали бажариши;

ташкилотда ва унинг тузилмасига кирадиган бўлинма ва бўлимларда (цех) меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилгани тўғрисида раҳбариятга дарҳол хабар бериши;

ташкилотда Хизмат фаолиятига доир ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши;

меҳнат шароити ҳолати, ноқулай меҳнат шароитида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсациялар суммаси, бахтсиз ҳодисалардан жабрланганлар ва касб билан боғлиқ касаллик биринчи маротаба аниқланган шахслар сони, иш ўринларида меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан ўтказилган аттестация натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилишини ва янгилаб борилишини таъминлаши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

4-§. Ташкилот раҳбари ва Хизмат бошлиғининг мажбуриятлари

70. Қуйидагилар ташкилот раҳбари (иш берувчининг) мажбуриятлари ҳисобанади:

Хизмат ходимлари ўз ваколатлари ва функцияларини бажариши учун зарур шароитлар яратиш;

Хизмат ходимларининг иш жойларини алоҳида хонада ташкил этиш, иш хусусиятларини ҳисобга олиб, замонавий техникалар, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини тезкор назорат қилувчи зарур асбоблар, техник алоқа воситалари билан таъминлаш ва ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун жиҳозлаш;

Хизмат ходимлари функцияларини амалга ошириш учун (ўқитиш, йўл-йўриқ бериш, семинарлар, маърузалар, кўргазмалар ўтказиш) меҳнатни муҳофаза қилишга оид зарур норматив-ҳуқуқий адабиётлар ва маълумотномалар билан жиҳозланган меҳнатни муҳофаза қилиш хонасини ташкил этиш;

Хизмат ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари юзасидан мунтазам малака оширишни ва билимларини текширишни ташкил этиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ ходимлар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишини таъминлаши, ўқиш даврида уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарур маблағларни ажратиш.

71. Қуйидагилар Хизмат бошлиғининг мажбуриятлари ҳисобланади:

Хизматга раҳбарлик қилиш, хизматнинг ишини режалаштириш ва ташкил этиш;

Хизмат ходимларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш;

ташкilotда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича таркибий бўлинмалар ишларини мувофиқлаштириш;

Хизмат ваколатига кирадиган масалалар юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар, хатлар, таклифлар, мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

Хизматга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириш ёки ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши юзасидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича маълумот, ахборот, материаллар тақдим этилишини таъминлаш.

Хизмат бошлиғи ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

5-§. Хизмат бошлиғи ва ходимларига қўйиладиган талаблар

72. Хизмат бошлиғи ва ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давомийлиги 36 академик соатдан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқиган бўлиши керак.

73. Хизмат бошлиғи лавозимига олий муҳандислик-техник маълумотга, ихтисослиги бўйича камида уч йиллик иш стажига ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис малака сертификатига эга бўлган шахслар тайинланади.

Республика даражасидаги ташкilotнинг Хизмат бошлиғи ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Худудий даражадаги Хизмат бошлиғи ва ходимларни лавозимга тайинлаш ва меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг худудий Давлат меҳнат инспекциялари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

74. Хизмат ходими ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимига иш стажидан қатъи назар, олий муҳандислик-техник маълумотга эга шахслар тайинланади.

75. Ташкилотда Хизмат ходимларидан бир нафари меҳнат гигиенаси мутахассислиги бўйича олий тиббий маълумотга эга бўлиши керак.

76. Хизмат бошлиғи лавозимига қабул қилишда номзод билан суҳбат ўтказилади.

Номзод билан суҳбат ташкилотнинг бевосита раҳбари томонидан имзоланган тақдимномаси мавжуд бўлган тақдирда, ўн иш куни мобайнида ўтказилади.

77. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида суҳбат Давлат меҳнат инспекцияси раҳбарияти томонидан, худудларда худудий Давлат меҳнат инспекцияси раҳбарияти томонидан ўтказилади.

78. Суҳбат якунлари бўйича масъул орган уч иш куни мобайнида номзод суҳбатдан ўтгани ёки ўта олмагани ҳақида ташкилотни хабардор қилади.

79. Хизмат бошлиқлари ва мутахассислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари лавозимга тайинлангандан сўнг уч ой ичида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрланиши ёки малакаси оширилиши керак.

Хизмат бошлиқлари ва мутахассислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларининг уч йилда камида бир марта қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малакаси оширилиши керак.

80. Ташкилотларнинг Хизмат ходими сифатидаги иш стажы бошқа органларга ёки ташкилотларга ишга ўтганида, профессионаллик тоифаси учун устамалар ва узоқ муддат узлуксиз хизмати учун қўшимча ҳақлар тўлашда иш стажига ёзилади.

Давлат органларининг Хизмат бошлиғи ва ходимлари давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

6-§. Якунловчи қоидалар


81. Иш берувчилар ва ташкилотнинг ушбу Низомда белгиланган вазифалар учун масъул бўлган ходимлари ўз вазифалари ва функцияларини бажармаганлиги ёки зарур тарзда бажармагани учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

82. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий органлари томонидан назорат қилинади.

83. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий органлари ўз ваколати доирасида иш берувчи ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга қаратилган чораларни кўради.

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларини
ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича
КОМПЛЕКС ВАЗИФАЛАР



Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда
меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

(ташкилот номи)

Маъмурий - жамоатчилик назоратининг
биринчи босқичини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

(бўлинма номи)

Бошланди: 20__ йил ____
Тугади: 20__ йил. ____

Назоратни ўтказиш санаси	Уста ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилнинг Ф.И.О.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича аниқланган нормувофикликлар	Камчилик ва нормувофикликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар	Ижроси учун жавобгар шахслар	Бажариш муддати	Бажарилгани бўйича белги (сана, бажаришга жавобгар шахс ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил имзоси)
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ:

- 1. Журнал муқовасида ташкилот, цех, (бўлим) участка номи, журнални юритиш бошланган ва тугатилган сана ёзилади.
- 2. Журналнинг биринчи бетида маъмурий-жамоатчилик назоратининг биринчи босқичи бўйича эслатма кўрсатилади.

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда
меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

(ташкилот номи)

Маъмурий - жамоатчилик назоратининг
иккинчи босқичини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

(бўлинма номи)

Бошланди: 20__ йил. ____
Тугади: 20__ йил. ____

Назоратни ўтказиш санаси	Назорат ўтказган комиссия таркиби (Ф.И.О., лавозими)	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича аниқланган нормувофикликлар	Нормувофикликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар	Ижроси учун жавобгар шахслар	Бажариш муддати	Бажарилгани бўйича белги (сана, бажаришга жавобгар шахс ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил имзоси)
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ:

1. Журнал муқовасида ташкилот, цех, участка номи, цех бошлиғи Ф.И.О. журнални юритиш бошланган ва тугатилган сана ёзилади.
2. Журналнинг биринчи бетида маъмурий-жамоатчилик назоратининг иккинчи босқичи бўйича эслатма кўрсатилади, ўтказиш тартиби (жадвал) ва комиссия таркиби бўлиши керак.

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда
меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари сони
меъёрлари

T/p	Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати номлари	Белгиланган штат бирлиги
1.	Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати	9 ва ундан ортиқ киши*
2.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси	7-8
3.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими	4 ёки 5
4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш шубҳаси	3
5.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис /муҳандис	1

**Ходимлар сонининг ҳар бир қўшимча 50 та штат бирлиги учун 1 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис қўшимча киритилади.*

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда
меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати
тузилмаси**

Т/р	Ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони	Касбий таваккалчилик даражалари бўйича*			
		1-тоифадан 4-тоифагача	4-тоифадан 10-тоифагача	10-тоифадан 15-тоифагача	15-тоифадан 20-тоифагача (шу жумладан, 20-тоифажа)
1.	Ходимлар сони 50 кишидан кам	Ташкилот раҳбарларидан бирига юкланади		Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади	
2.	Ходимлар сони 50 кишидан 100 кишигача	Ташкилот раҳбарларидан бирига юкланади	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади		Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаси ташкил этилади
3.	Ходимлар сони 100 кишидан 500 кишигача	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаси ташкил этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаларидан иборат Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ташкил этилади
4.	Ходимлар сони 500 киши ва ундан ортиқ	Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаси ташкил этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаларидан иборат Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ташкил этилади	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари ва шўбаларидан иборат Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади

Изоҳ:

1. Касбий таваккалчилик даражалари Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2009 йил 24 июндаги қарорига мувофиқ белгиланади.

2. Бюджет ташкилотларида ташкилотнинг амалдаги штат бирликлари доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш шўбаси шаклида тузилиши ёхуд битта меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси штатидан иборат бўлиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” декабрдаги 819-сон қарорига
2-илова

**Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ташкилотларда ишларни хавфсиз ташкил этишга масъул, техник назорат қилувчи ва текширувчи шахслар, шунингдек, бевосита ишларни ташкил этувчи ва амалга оширувчи ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бўлинма ва бўлим (цех) – ташкилотдаги бўлинма, бўлимлар, цехлар, омборлар, бюролар, хизматлар ва бошқа мустақил бўлинмалар (кейинги ўринларда – бўлинма ва бўлим (цех));

иш жойидаги йўл-йўриқ – иш жойида иш юритишнинг хавфсиз услублари ва усуллари, дастгоҳ, асбоб-ускуна, механизм ҳамда уларнинг тавсифлари, конструктив хусусиятлари, хавф туғдирувчи шароитлар ва иш жойларини тайёрлаш тартиби билан таништириш жараёни;

кириш йўл-йўриғи – меҳнатни муҳофаза қилиш сиёсати, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг асосий талаблари, ёнғин ва электр хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси талаблари, меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, ишни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари, зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тартиби билан таништириш жараёни;

меҳнат хавфсизлиги – ходимлар учун зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинадиган меҳнат шароитларининг ҳолати;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ – меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, ходимнинг функционал (лавозим) вазифаларини ёки иш берувчи томонидан топширилган бошқа ишларни бажаришнинг хавфсиз услуб ва усуллари ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга оид тартиб билан таништириш жараёни;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш – меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билим ва кўникмаларни, касбий маҳоратни тизимли равишда янгилаб бориш ва чуқурлаштиришни таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш – барча ташкилотларда, иш берувчиларда, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларда, таълим ташкилотларида, шунингдек, меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари тўғрисидаги билимларни янада мустаҳкамлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш – меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари (кейинги ўринларда – профессионал иштирокчилар) – меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

стажировка – меҳнат жараёнида касбий кўникма, хавфсиз ишлаш услублари ва усуллари шакллантириш ва амалда мустаҳкамлаш мақсадида ходимнинг тўғридан-тўғри иш жойида касбий тайёргарлиги;

ташкилот – республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда иш берувчи бўлган жисмоний шахслар.

3. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш, малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ташкилот раҳбарининг зиммасига юкланади.

Ходимлар ва усталарга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ бериш, ўқишларни ташкил этиш ва билимларини текширишни ўз вақтида ташкил этиш ҳамда ўтказишга умумий раҳбарлик ва жавобгарлик бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари зиммасига юкланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларни текшириш қуйидагиларга бўлинади:

ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва аъзоларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

ташкилотнинг бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

ташкилотнинг мутахассис ва ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишларда банд бўлган ҳамда буғ ва иссиқ сув қозонлари, юк кўтариш кранлари, босимли идишлар, электр қурилмалари, махсус машина ва механизмларга техник хизмат кўрсатадиган ходимларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш.

5. Ташкилот раҳбари қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ ходимларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда, уларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиши, уларнинг билимларини текшириши, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишларини таъминлаши шарт.

Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларнинг ўқишини ташкил қилиш, билимларини текшириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишлари учун зарур бўлган маблағларни ажратиши шарт.

6. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча турдаги йўл-йўриқдан ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, ўқитилиши ва билимларининг текширилишини назорат қилиш ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати зиммасига юкланади.

Ушбу Низом билан қоғоз ёки электрон шаклда тўлдирилган ва тасдиқланган ҳужжатлар ташкилот томонидан беш йил давомида сақланади ва ушбу мажбурият ташкилот раҳбари зиммасига юкланади.

2-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар кириш ва иш жойидаги йўл-йўриқларга бўлинади.

Бунда иш жойидаги йўл-йўриқ, ўз навбатида, дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари турларга бўлинади.

8. Ишга янги кираётган барча ходимлар, бошқа ташкилотлардан хизмат сафарига юборилган ходимлар, пудрат (субпудрат) ишларини амалга оширувчилар (малакаси, иш стажи ва иш тажрибасидан қатъи назар) ҳамда амалиёт ўтаётган талабалар ва ўқувчилар кириш йўл-йўриғидан ўтишлари шарт.

Кириш йўл-йўриғидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёки ушбу мажбуриятлар юкланган бошқа ходим, шунингдек, ташкилот томонидан жалб қилинган профессионал иштирокчилар томонидан ўтказилади.

Кириш йўл-йўриғининг айрим бўлимларини ўтказиш учун тегишли мутахассислар жалб қилиниши мумкин (тиббиёт ходими, ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассис, электр хўжалигига жавобгар шахс ва бошқа мутахассислар).

Кириш йўл-йўриғидан замонавий техник қурилмаларни қўллаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида, ишлаб чиқариш шароитлари ва ўқитиш материалининг аниқ моҳиятига жавоб берувчи кўргазмали қуроллар ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Кириш йўл-йўриғи алоҳида ходимлар ёки ходимлар гуруҳи учун ўтказилиши мумкин. Бунда гуруҳ таркибида ходимлар сони 12 нафардан ошмаслиги лозим.

Кириш йўл-йўриғи ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий дастурга асосан ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади.

Кириш йўл-йўриғидан ўтказиш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ рўйхатга олиш журналида ёки махсус электрон дастурда қайд этилади.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

Кириш йўл-йўриғидан ўтмаган шахслар билан меҳнат шартномасини тузишга, стажировка ўташга, шунингдек, бошқа ташкилот ходимларини ишга қўйишга йўл қўйилмайди.

9. Ходимлар кириш йўл-йўриғидан ташқари иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги йўл-йўриқнинг мақсади – ҳар бир ходимни ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига ўқитишдан иборат. Йўл-йўриқ бериш жараёнида ходим ишлаб чиқариш ускунаси, асбоблар, мосламалар, уларнинг тавсифлари ва конструкциясининг хусусиятлари, юзага келиши мумкин бўлган хавфлар, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда иш жойини тайёрлаш тартиблари билан таништирилиши керак.

Иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтказиш ходим бўйсунувига юборилган бевосита иш раҳбарига (уста, смена муҳандиси, бўлинма раҳбари) юкланади. Зарур ҳолларда иш жойидаги йўл-йўриқ тегишли мутахассислар (механиклар, энергетиклар, технологлар ва бошқалар) иштирокида ўтказилиши мумкин.

Электр-техник бўлмаган ходимларни электр хавфсизлиги бўйича ўқитиш ва 1-малака гуруҳини бериш электр хўжалигига жавобгар шахс томонидан амалга оширилади.

10. Иш жойидаги йўл-йўриқ ушбу Низомга 3-иловада келтирилган намунавий дастур, шунингдек, муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар асосида бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилади.

Дастур ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки жалб этилган профессионал иштирокчилар ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади.

11. Барча турдаги (дастлабки, даврий, навбатдан ташқари) иш жойидаги йўл-йўриқларни ўтказиш ушбу Низомга 4-иловада келтирилган иш жойидаги йўл-йўриқларни қайд қилиш журнали ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд қилиб борилади.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

Журнал саҳифалари тикиб боғланган ва рақамланган бўлиши керак. Журналнинг охирида рақамланган саҳифалар сони сўз билан ёзилиши, бўлинма раҳбарининг имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Иш жойидаги йўл-йўриқларнинг ўтказилиши хронологик тартибда ёзилади.

Журнал муқоваси ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар ўтказиш учун масъул шахслар рўйхати ва бўлинмадаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги йўриқномалар рўйхати илова қилинади.

Барча турдаги (дастлабки, даврий, навбатдан ташқари) иш жойидаги йўл-йўриқлар ташкилот ёки бўлинманинг (хизматлар, бўлимлар, цехлар) фаолиятдан аниқ мисоллар келтирган ҳолда, суҳбат тарзида чуқур таҳлил қилиш асосида гуруҳларга бўлиб ёки яқка ҳолда (бир хил касблар ва алоҳида иш турлари учун) ўтказилиши керак.

12. Ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ (ускуналардан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш, синаш, созлаш ва таъмирлаш, асбобларни ишлатиш, хомашё ва материалларни сақлаш ва бошқа) бўлган ишларга алоқадор бўлмаган ходимлар иш жойидаги йўл-йўриқ ўтказилишидан озод этилиши мумкин.

Иш жойидаги йўл-йўриқ ўтказилишидан озод этилган ходимларнинг касб ва лавозим рўйхатини меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати шакллантиради ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади.

13. Юқори хавфли участкаларда ёки касбий танлов талаб этиладиган бошқача турдаги ишлар бажарилиши лозим бўлган участкаларда ходимларни мустақил ишга қўйишдан аввал (бошқа ишга ўтишда) стажировка билан бевосита биргаликда иш жойидаги дастлабки йўл-йўриқ ўтказилиши шарт.

Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари янги ишга қабул қилинган ходимни стажировкадан ўтказиш вазифасини ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ташкилотнинг тажрибали ва малакали ходимига юклайди.

Касби бўйича стажировканинг дастлабки биринчи ойи давомида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича билимлар текширилади. Ходимнинг стажировка муддати камида учта иш сменасидан иборат бўлиши керак.

14. Даврий йўл-йўриқ ўтказилишининг асосий мақсади – маълум муддатдан сўнг ходимлар томонидан асосий ва бошқа доимий ишларнинг хавфсиз бажарилиши юзасидан билимларни оширишдан иборат.

Ходимлар ушбу касбдаги малака ва иш стажидан қатъи назар, камида ҳар олти ойда бир марта, меҳнат шароитлари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишларда банд бўлган ходимлар камида ҳар уч ойда бир марта меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича даврий йўл-йўриқдан ўтишлари шарт.

Белгиланган муддатларда қандайдир сабабларга кўра (меҳнат таътили, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) йўл-йўриқдан ўтмаган ходимлар ишга қайтган куни даврий йўл-йўриқдан ўтади.

15. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича навбатдан ташқари йўл-йўриқ қуйидаги ҳолларда ўтказилиши керак:

ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришлар, бир турдаги дастгоҳ бошқаси билан алмаштирилиши сабабли меҳнат шароитларида ўзгариш бўлса;

агарда ташкилот бўлинмасида авария ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлса;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича киритилган янги қоида ва йўриқномалар сабабли ходимларга қўшимча талабларни етказиш зарурати туғилганда;

кўрилган таъсир чораларидан қатъи назар, қоидалар ва йўриқномалар талаблари, ишлаб чиқариш интизоми бузилгани аниқланган ҳолларда;

меҳнат шароитлари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишларда банд бўлган ходимларнинг ишдаги танаффуслари 30 календарь кундан, бошқа ишлар учун эса 60 календарь кундан ортиқ бўлганда;

мутахассислиги бўйича вазифасига боғлиқ бўлмаган бир марталик ишлар бажарилишидан ҳамда табиий офат ва фалокатларни бартараф қилиш ишларидан олдин;

юқори хавфли ишларга наряд-ижозатни расмийлаштиришда;

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва йўриқномаларини етарли даражада билмаслиги аниқланганда ташкилот раҳбарининг буйруғи, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ҳамда давлат назорати органларининг ёзма кўрсатмаси билан.

Навбатдан ташқари йўл-йўриқдан ўтказиш жараёнида иш жойидаги йўл-йўриқ дастурининг фақатгина ушбу йўл-йўриқни ўтказишга сабаб бўлган қисми кўриб чиқилиши керак.

16. Иш жойидаги йўл-йўриқлар оғзаки сўров ёки замонавий техник ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда билимларни, шунингдек, хавфсиз ишлаш усуллари бўйича эгаллаган кўникмаларни текшириш билан яқунланади.

Билимларни йўл-йўриқ ўтказган ходим текширади.

Ходимлар навбатдан ташқари йўл-йўриқлардан худди дастлабки ва даврий йўл-йўриқлар каби бевосита раҳбарлари томонидан ўтказилиши керак.

Навбатдан ташқари йўл-йўриқ ўтказилгани тўғрисидаги маълумот дастлабки ва даврий йўл-йўриқлар каби иш жойидаги йўл-йўриқларни қайд қилиш журналига сабаблари кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

17. Йўл-йўриқдан сўнг оғзаки сўровда қониқарсиз билимга эга бўлган шахслар мустақил ишлашга рухсат этилмайди ва улар қайтадан иш жойидаги йўл-йўриқдан ўтишлари шарт.

18. Ҳар қандай ҳолларда мустақил ишлашга ташкилотнинг бош муҳандиси (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) ёки бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари рухсат беради.

3-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларни текшириш

1-§. Ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссиясини ташкил этиш тартиби

19. Ташкилотларда доимий фаолият юритувчи имтиҳон комиссияси (кейинги ўринларда – ДФЮИК) ташкил этилади.

Фаолияти турларининг хавфлилик даражаси биринчи тоифага мансуб бўлган ташкилотларда ДФЮИКни ташкил этиш ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ташкилот раҳбари томонидан мустақил ҳал этилади.

Ташкилотнинг хавфлилик даражаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига мувофиқ белгиланади.

20. ДФЮИК раиси ва аъзолари рўйхати ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан тузилиб, ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ташкилотнинг ДФЮИК ишига ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) раҳбарлик қилади.

Ўқитилиши ва билимлари текширилиши лозим бўлган ходимлар сони кўп ташкилотларда бир нечта имтиҳон комиссияси бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда бош муҳандис ёки фаолият йўналиши бўйича ташкилот раҳбари ўринбосарлари ДФЮИК раислари сифатида тайинланади.

21. ДФЮИК таркибидаги раҳбар ва мутахассислар лавозимга тайинлангандан сўнг бир ой ичида ушбу Низом талабларига асосан 36 академик соатдан кам бўлмаган курсларда ўқитилиши ва уларнинг билимлари текширилиши керак.

ДФЮИК аъзоларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда – Малака ошириш маркази) ёки профессионал иштирокчилар томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари ва ўқув-мавзуйий режалар асосида амалга оширилади (кейинги ўринларда – таълим дастурлари).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича таълим дастурлари Малака ошириш маркази томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Таълим дастурлари заруратга кўра камида уч йилда бир марта янгилаб борилади.

Малака ошириш маркази ҳамда профессионал иштирокчилар тингловчиларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш сифати учун жавобгардир.

22. Таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишларни амалга оширадиган раҳбар ва мутахассисларга қўйиладиган касбий малака талабларига мувофиқ бўлиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларини ўз ичига олган бўлиши;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва ҳолатини баҳолашнинг мезонлари тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузгани учун жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги таҳлилини ўз ичига олган маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бўлиши;

ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикларини ўтказиш талаблари бўлиши;

ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида маълумотлар бўлиши;

олий таълим давлат стандартларига нисбатан изчил, кетма-кетликда бўлиши;

замонавий таълим технологияси ва ўқув воситаларига мўлжалланган бўлиши;

таълим дастури мазмуни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган касбий фаолиятга мувофиқ бўлиши.

23. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташкилотларнинг ўқитиш талабини ҳисобга олган ҳолда анъанавий ёки масофавий тарзда, шунингдек, ҳудудларда ўқитилиши мумкин.

24. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш курсларида ўқиган, таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ташкилотларнинг ДФҶОИК аъзолари:

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари тизими;

меҳнат шартномалари, иш ва дам олиш вақтлари режими, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг, шунингдек, алоҳида тоифадаги ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, имтиёз ва компенсациялар;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш талаблари;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низом;

ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсиз олиб борилишига риоя қилинишини таъминловчи технологик регламентлар ва ишлаб чиқариш йўриқномалари;

шахсий ҳимоя воситаларини белгилаш ва улардан фойдаланиш, уларни бериш тартиби ва меъёрлари, улардан фойдаланиш муддатлари;

ишлаб чиқариш санитарияси ва шахсий гигиена бўйича қўйиладиган асосий талаблар;

электр токидан жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар;

ёнғин хавфсизлиги, ёнғин, портлаш ва ҳалокатларнинг олдини олиш усуллари ва воситалари;

жабрланувчиларга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида билимларга эга бўлишлари шарт.

25. ДФЮИК таркибига қуйидагилар киритилиши мумкин:

ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош муҳандис, бош энергетик, бош механик, бош технолог, ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси кўмитаси раиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати бошлиқлари.

26. ДФЮИК таркибига давомийлиги 36 академик соатдан кам бўлмаган ўқитиш курсларида ўқиган ва билимлари текширилган мутахассисларни киритишга рухсат берилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассис малака сертификатига эга бўлган ходимларнинг ДФЮИК таркибига киритиш учун ўқитиш курсларида ўқиши талаб этилмайди.

27. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш курсларида ўқиган ДФЮИК аъзолари ўқитиш курсларида ўқигандан кейин билимлари текширилиши керак.

28. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш ва билимларини текшириш бўйича гуруҳ таркибининг сони, қоида тариқасида, 10 нафардан кам бўлмаслиги ва 20 нафардан ошмаслиги керак.

29. ДФЮИК аъзоларининг билимларини текшириш махсус замонавий ахборот технологиялари ва кузатув камералари билан жиҳозланган алоҳида хоналарда, компьютерда топшириладиган тест синовларидан ёки оғзаки (ёзма), шунингдек, амалий имтиҳондан иборат бўлади.

30. Тест саволлари Малака ошириш маркази томонидан тузилади, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тест саволлари ва жавоб вариантлари вазирликнинг расмий веб-сайтида мунтазам тарзда жойлаштириб борилади.

Тест саволлари қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

31. Тест синови таълим дастурининг барча бўлимларини қамраб олган камида 30 та савол бўйича ўтказилади ва умумий имтиҳон вақти давомийлиги 60 дақиқани ташкил этади.

70 фоиздан кам бўлмаган саволларга тўғри жавоб берган талабгорларнинг билимлари текширувдан ўтган ҳисобланади.

32. Билимларни текшириш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

имтиҳон хонасидан ташқарига чиқиш (билимлари текширувдан ўтказилаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар билимлари текширувдан ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва имтиҳондан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга билимларни текширувдан ўтказиш жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.

Малака ошириш маркази ва профессионал иштирокчилар томонидан билимларни текшириш жараёнларини ахборот технологиялари орқали онлайн шаклда кузатиш имконияти яратилиши керак.

33. Билимларни текшириш жараёнининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида имтиҳон узлуксиз равишда овозли видеотасвирга туширилади, видеотасвир ва талабгорнинг тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчиларда камида бир йил мобайнида сақланади.

Билимларни текшириш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар имтиҳонларни ташкил этишда алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

34. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш ва билимларни текшириш ишдан ажралган ҳолда ёки қисман ажралган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

35. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш якунида билимларни текшириш бўйича уч кишидан кам бўлмаган таркибда имтиҳондан ўтказиш комиссияси тузилади.

Малака ошириш маркази томонидан билимларни текшириш бўйича имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари доимий асосда киритилиши керак.

Профessional иштирокчилар томонидан билимларни текшириш бўйича имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий Давлат меҳнат инспекцияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари доимий асосда киритилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш ва билимларни текшириш якуни бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширганларга ушбу Низомга 6-иловада келтирилган шаклда Давлат намунасидаги сертификат берилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати уч йил.

ДФЮИК аъзолари уч йилда бир марта ўқитилиб, билимлари текширилиши керак.

36. ДФЮИК аъзолари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитилиб, билимлари текширилгандан кейин баённома расмийлаштирилади ва бир ҳафта муддатда Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар томонидан ўқитилиб, билимлари текширилганлар бўйича тўлиқ маълумотлар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини текширишда қониқарсиз баҳоланган шахснинг бир ой ичида билимлари қайта текширилиши керак.

37. Ташкилотнинг ДФЮИК таркиби буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруққа комиссия таркиби, ДФЮИК томонидан билимлари текширилиши лозим бўлган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг рўйхати билимларни текшириш графиги, билимларни текшириш учун саволлар рўйхати илова қилиниши керак.

38. ДФЮИКнинг асосий вазифаси ташкилотнинг бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларини ўқитиш ҳамда билимини текширишдан иборат.

39. Якка тартибдаги тадбиркорларга ДФЮИК фаолиятини ташкил этиш мажбурий ҳисобланмайди.

2-§. Ташкилотнинг бўлинма ва бўлими (цехи) раҳбарларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларнинг билимлари текширилишини ташкил этиш

40. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ДФЮИК томонидан ўқитилиши ва билимлари текширилиши керак.

41. Ташкилотнинг ўқитилиши ва билимлари текширилиши керак бўлган бўлинма ва бўлими (цехи) раҳбарлари рўйхати меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан тузилиб, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ДФЮИК раиси томонидан тасдиқланади.

42. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 36 академик соатлик ўқитиш дастури бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига нисбатан қўйиладиган малака талабларига асосан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан ишлаб чиқилади, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ДФЮИК раиси томонидан тасдиқланади.

Ўқитиш дастурлари заруратга кўра камида уч йилда бир марта янгилаб борилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш дастури асосида ишлаб чиқилган саволлар рўйхатига асосан бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг билимларини текшириш учун меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан имтиҳон билетлари тузилади ва ДФЮИК раиси томонидан тасдиқланади.

43. Ўқитиш дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишларни амалга оширадиган раҳбар ва мутахассисларга қўйиладиган профессионал касбий малака талабларига мувофиқ бўлиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларини ўз ичига олган бўлиши;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва ҳолатини баҳолашнинг мезонлари тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганги учун жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги таҳлилини ўз ичига олган маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бўлиши;

ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикларини ўтказиш талаблари бўлиши;

хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талаблари;

ускуналар, механизмлар, мосламалар, тўсувчи ва сақловчи қурилмаларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг соз ҳолатини ва хавфсиз ишлашини таъминлашга оид талаблар;

маъмурий-жамоатчилик назоратини ўтказиш тартиби;

йўриқномалар, ички меҳнат тартиби қоидалари ва жамоа шартномаси талаблари;

замонавий таълим технологияси ва ўқув воситаларига мўлжалланган бўлиши;

ўқитиш дастурининг мазмуни меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича амалга ошириладиган касбий фаолиятга мувофиқ бўлиши.

44. Ташкилот ҳудудида бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун ташкилот томонидан малакали мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Ўқитиш ва билимларни текшириш анъанавий ёки масофавий шаклда амалга оширилиши мумкин.

Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларини ўқитиш ушбу Низомга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни рўйхатга олиш журналида (қоғоз ёки электрон шаклда) ёки махсус электрон дастурда қайд этилади.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

45. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш бирламчи, даврий, навбатдан ташқари турларга бўлинади.

Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг билимларини текшириш тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал ДФЮИКнинг барча аъзолари ҳамда билими текширилаётган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига имтиҳон бошланишидан камида 15 кун аввал юборилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлар ДФЮИКнинг камида уч нафар аъзоси иштирок этган тақдирда текширилади.

46. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари лавозимга тайинлангандан сўнг бир ой ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлари бирламчи текширилиши шарт.

47. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича даврий ўқитиш ҳамда билимларни текшириш камида уч йилда бир маротаба ўтказилиши, хавфлилиги юқори бўлган ишлаб чиқариш ёки касбий танлов талаб этиладиган ишларда банд бўлган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари эса ҳар йили ўқитилиши ва билимлари текширилиши шарт.

48. Ушбу Низомга 8-иловада келтирилган шаклдаги жадвалга асосан бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларининг билимлари даврий текширувдан ушбу Низомнинг 47-бандида назарда тутилган шартлар асосида ўтказилади.

Жадваллар меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан тузилиб, касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ДФЮИК раиси томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади.

49. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари қуйидаги ҳолларда навбатдан ташқари ўқитилиши ҳамда билимлари текширилиши шарт:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича янги ёки қайта кўриб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилганда;

янги ускуналарни ишга тушириш ёки янги технологик жараёнларни татбиқ этишда;

ходимни бошқа иш ўрнига ўтказиш ёки уни бошқа лавозимга тайинлаш вақтида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча билимлар талаб этиладиган ҳолларда;

бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилганда – гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, авария ҳолати, ёнғин, портлаш ёки заҳарланиш юзага келганда;

ташкилотнинг раҳбари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва давлат назорати ва текшируви органлари талабларига асосан;

меҳнат фаолиятида бир йилдан кўпроқ танаффус бўлганда.

50. Билимлари текширилаётган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига бериладиган баҳодан (яхши, қониқарли ёки қониқарсиз) ташқари бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарларига ишга қўйилиши юзасидан хулоса берилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш натижалари ушбу Низомга 9-иловада келтирилган шаклга мувофиқ билимларни текшириш журналида (қоғоз ёки электрон шаклда) ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд этилиши шарт.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

Билимларни текшириш журналининг қоғоз шакли уч йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади.

51. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлари қониқарсиз баҳоланган шахс бир ой ичида билимларини қайта текшириш шарти билан ташкилотда эгаллаб турган вазифасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда қолдирилиши мумкин.

Билимлари қайта текширилиши натижасига кўра билими қониқарсиз деб баҳоланиши ходимни ишдан четлаштиришга асос бўлади. Билимларни қайта текширишга сабабсиз келмаслик ходимга интизомий жазо чорасини қўллашга асос ҳисобланади.

**3-§. Бўлинма ва бўлим (цех)нинг доимий фаолият юритувчи
имтиҳон комиссияси ишини ташкил этиш**

52. Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари ташкилотнинг ДФЮИКда билимлари текширувдан муваффақиятли ўтказилгандан сўнг бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимларини ўқитиш ва уларнинг билимини текшириш учун бўлинма ва бўлим (цех)да тузиладиган имтиҳон комиссияси ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

53. Бўлинма ва бўлимнинг (цех) мутахассис ва ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан ўқитилиши ва билимлари текширилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқувдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган мутахассис ва ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

54. Бўлинма ва бўлим (цех)нинг ўқитилиши ва билимлари текширилиши керак бўлган мутахассис ва ходимлари рўйхати бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан тузилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ташкилотнинг ДФЮИК раиси томонидан тасдиқланади.

55. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 18 академик соатлик ўқитиш дастури бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимларининг эгаллаб турган касб ва лавозимларига нисбатан қўйиладиган малака талабларига асосан бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилади, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда ташкилотнинг ДФЮИК раиси томонидан тасдиқланади.

Ўқитиш дастурлари заруратга кўра камида уч йилда бир марта янгилаб борилади.

56. Ўқитиш дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишларни амалга оширадиган мутахассис ва ходимларга қўйиладиган касбий малака талабларига мувофиқ бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларини ўз ичига олган бўлиши;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва ҳолатини баҳолашнинг мезонлари тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузгани учун жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида маълумотлар бўлиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бўлиши;

ходимларни дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказиш талаблари бўлиши;

хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талаблари;

асбоб-ускуналар, механизмлар, мосламалар, тўсувчи ва сақловчи қурилмаларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг соз ҳолати ва хавфсиз ишлашини таъминлашга оид талаблар;

маъмурий-жамоатчилик назоратинининг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш тартиби;

бўлинма ва бўлимнинг (цех) фаолиятига оид йўриқномалар талаблари;

ички меҳнат тартиби қоидалари ва жамоа шартномаси талаблари;

ўқитиш дастурининг мазмуни меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича амалга ошириладиган касбий фаолиятга мувофиқ бўлиши.

57. Бўлинма ва бўлимларнинг (цех) мутахассис ва ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун ташкилотнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин.

Ўқитиш ва билимларни текшириш анъанавий ёки масофавий тарзда амалга оширилиши мумкин.

Бўлинма ва бўлим (цех)ларнинг мутахассис ва ходимларини ўқитиш ушбу Низомга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни рўйхатга олиш журналида (қоғоз ёки электрон) ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд этилиши шарт.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

58. Бўлинма ва бўлим (цех)ларнинг мутахассис ва ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ҳамда уларнинг билимларини текшириш бирламчи, даврий, навбатдан ташқари турларга бўлинади.

Бўлинма ва бўлимларнинг (цех) мутахассис ва ходимларини билимлари тасдиқланган жадвал асосида текширилади. Жадвал имтиҳон комиссиясининг барча аъзолари ҳамда билими текшириладиган мутахассис ва ходимларга имтиҳон бошланишидан камида 15 кун аввал юборилиши керак.

Бўлинма ва бўлим (цех)нинг имтиҳон комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлган тақдирда, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича билимларни текшириш мумкин эмас.

59. Бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимлари лавозимга тайинлангандан сўнг бир ой ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлари бирламчи текширилиши шарт.

60. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича даврий ўқитиш ҳамда билимларини текшириш камида уч йилда бир маротаба, хавфлилиги юқори бўлган ишлаб чиқариш ёки касбий танлов талаб этиладиган ишларда банд бўлган бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимлари эса ҳар йили ўқитилиши ва билимлари текширилиши шарт.

61. Ушбу Низомга 8-иловада келтирилган шаклдаги графикка асосан мутахассис ва ходимларнинг билимлари даврий текширувдан ушбу Низомнинг 60-бандида назарда тутилган шартлар асосида ўтказилади.

Жадваллар бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари томонидан тузилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ташкилотнинг ДФЮИК раиси томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади.

62. Бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимлари қуйидаги ҳолларда навбатдан ташқари ўқитилиши ҳамда билимлари текширилиши шарт:

меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича янги ёки қайта кўриб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилганда;

янги ускуналарни ишга тушириш ёки янги технологик жараёнларни татбиқ этишда;

ходимни бошқа иш ўрнига ўтказиш ёки уни бошқа лавозимга тайинлаш вақтида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча билимлар талаб этиладиган ҳолларда;

бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилганда – гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, авария ҳолати, ёнғин, портлаш ёки заҳарланиш юзага келганда;

ташкилотнинг раҳбари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва давлат назорати ва текшируви органлари талабларига асосан;

меҳнат фаолиятида бир йилдан кўпроқ танаффус бўлганда.

63. Билимлари текшириладиган бўлинма ва бўлим (цех) мутахассис ва ходимларига бериладиган баҳодан (яхши, қониқарли ёки қониқарсиз) ташқари мустақил ишга қўйилиши юзасидан хулоса берилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш натижалари ушбу Низомга 9-иловада келтирилган шаклга мувофиқ билимларни текшириш журналида (қоғоз ёки электрон шаклда) ёки махсус ишлаб чиқилган электрон дастурда қайд этилиши шарт.

Махсус ишлаб чиқилган электрон дастурга ягона идентификация тизими (OneID) орқали кирилади ва тасдиқланади.

Билимларни текшириш журналининг қоғоз шакли уч йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади.

64. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлари қониқарсиз баҳоланган ходим бир ой ичида билимларини қайта текшириш шарти билан, ташкилотда эгаллаб турган лавозимида иш ҳақи сақланмаган ҳолда қолдирилиши мумкин.

Билимлари қайта текширилиши натижасига кўра билими қониқарсиз деб баҳоланиши ходимни ишдан четлаштиришга асос бўлади. Билимларни қайта текширишга сабабсиз келмаслик ходимга интизомий жазо чорасини қўллашга асос ҳисобланади.

4-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш

65. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш қуйидагилар учун мажбурийдир:

ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари ва мутахассислари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг бевосита мазкур хизматлар билан шуғулланувчи ходимлари, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан фойдаланиладиган техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган синов лабораториялари раҳбарлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари (бош) экспертлари, касаба уюшмаларининг инспекцияси техник инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юкланган масъул ходимлар;

касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” ва “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус фанлардан ва бошқа йўналишларга меҳнатни муҳофаза қилиш курсларида дарс берадиган ўқитувчилари.

66. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган малака оширишдан қуйидагилар ўтказилади:

ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари, мутахассислари ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандислари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг бевосита мазкур хизматлар билан шуғулланувчи ходимлари, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан фойдаланиладиган техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган синов лабораториялари раҳбарлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари (бош) экспертлари, касаба уюшмаларининг инспекцияси техник инспекторлари;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” ва “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус фанлардан ва бошқа йўналишларга меҳнатни муҳофаза қилиш курсларида дарс берадиган ўқитувчилари.

Давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш курсларида ўқиган шахсларга малака ошириш курсларидан ўтгандан кейин бир йилгача меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонлари топшириш ҳуқуқи берилади.

67. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давомийлиги 36 академик соатдан кам бўлмаган малака ошириш курслари қуйидагилар учун ўтказилади:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юкланган масъул ходимлар;

касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили.

68. Ушбу Низомнинг 66, 67-бандларида кўрсатилганлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уч йилда камида бир марта малака ошириш курсларида ўқишлари шарт.

69. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича касбий билимлари етарли бўлмаган ходимлар аниқланганда, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати органлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари ҳамда муҳандислари ушбу ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака оширишини навбатдаги муддати ўтмасдан, малака ошириш курсларида мажбурий ўқишлари юзасидан қарор қабул қилишга ҳақли.

2-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш

70. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлашнинг мақсади билим олиш, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси амалиётида билим ва кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва хавфсиз технологик жараёнларни ташкил этишдан иборат.

71. Ташкилот раҳбарининг буйруғи билан меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаси юкланган, техник йўналишдаги олий маълумотга эга бўлмаган раҳбарлари (ёки уларнинг ўринбосарлари) 288 академик соатдан кам бўлмаган ҳажмдаги ўқув курсларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёргарликдан ўтадилар.

Бунда бир ҳафталик ўқув юкламаси барча турдаги, шу жумладан, аудиторияда ва аудиториядан ташқари (мустақил) ўқув ишлари билан биргаликда 54 академик соатдан ортиқ миқдорда белгиланади. Аудитория ишлари бир ҳафтада 36 академик соатдан ошмаслиги керак.

72. Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси вазифаси юклангандан кейин олти ой ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қайта тайёргарликдан ўтилиши шарт.

3-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш

73. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар томонидан амалга оширилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” ва “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус фанлардан ва бошқа йўналишларга меҳнатни муҳофаза қилиш курсларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакаси Малака ошириш маркази томонидан оширилади.

74. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис малака сертификатини олувчи номзодлар тегишли профессионал иштирокчиларнинг ходими бўлса, уларнинг ушбу ташкилотларда малака оширишларига йўл қўйилмайди.

75. Малака ошириш маркази ва профессионал иштирокчилар ташкилотлар ходимларини ўқитиш бўйича талабини ҳисобга олган ҳолда, ўзларининг ҳудудларида ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиши мумкин.

Малака ошириш маркази ва профессионал иштирокчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш курсларининг ўқув жараёнларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган иш берувчиларнинг ҳудудида ҳам ташкил этиши мумкин.

76. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

77. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари якунида олинган билимларни текшириш бўйича уч кишидан кам бўлмаган таркибда имтиҳондан ўтказиш комиссияси тузилади.

Малака ошириш маркази томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари доимий асосда киритилиши керак.

Профessional иштирокчилар томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий Давлат меҳнат инспекцияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари доимий асосда киритилиши керак.

78. Курс якуни бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда: меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака оширганларга ушбу Низомга 10-иловада келтирилган шаклда Давлат намунасидаги сертификат;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлашдан ўтганларга ушбу Низомга 11-иловада келтирилган шаклда Давлат намунасидаги сертификат берилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати уч йил.

79. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича гуруҳ таркибининг сони, қоида тариқасида 10 нафардан кам бўлмаслиги ва 20 нафардан ошмаслиги керак.

80. Малака имтиҳонлари махсус замонавий ахборот технологиялари ва кузатув камералари билан жиҳозланган алоҳида хоналарда компьютерда топшириладиган тест синовларидан ёки оғзаки (ёзма), шунингдек, амалий имтиҳондан иборат бўлади.

Малака имтиҳонлари давлат тилида топширилади.

81. Тест саволлари Малака ошириш маркази томонидан тузилади, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тест саволлари ва жавоб вариантлари вазирликнинг расмий веб-сайтида мунтазам тарзда жойлаштириб борилади.

Тест саволлари қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

82. Тест синови таълим дастурининг барча бўлимларини қамраб олган камида 45 та савол бўйича ўтказилади ва умумий имтиҳон вақти давомийлиги 60 дақиқани ташкил этади.

70 фоиздан кам бўлмаган саволларга тўғри жавоб берган талабгорлар малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

83. Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

имтиҳон хонасидан ташқарига чиқиш (малака имтиҳони ўтказилаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар малака имтиҳони ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади ва имтиҳондан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонидан ўтказиш жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.

Малака ошириш маркази ва профессионал иштирокчилар томонидан малака имтиҳони жараёнларини ахборот технологиялари орқали онлайн тарзда кузатиш имконияти яратилиши керак.

84. Малака имтиҳонинг жараёни шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида имтиҳон узлуксиз равишда овозли видеотасвирга туширилади, видеотасвир ва талабгорнинг тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчиларда камида бир йил мобайнида сақланади.

Малака имтиҳони жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар имтиҳонларни ташкил этишда алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб, талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

85. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқув курси якуни бўйича баённома расмийлаштирилади ва бир ҳафта муддатда Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар томонидан ўқув курсида ўқиганлар бўйича тўлиқ маълумотлар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилади.

86. Малака ошириш маркази ва профессионал иштирокчилар малака ошириш курслари тингловчиларининг ўқитиш сифати учун жавобгардир.

**4-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув
дастурларига қўйиладиган талаблар**

87. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув дастурлари ва ўқув-мавзувий режалар асосида амалга оширилади (кейинги ўринларда – таълим дастурлари).

Таълим дастурлари Малака ошириш маркази томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси билан келишилган ҳолда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Таълим дастурлари заруратга кўра камида уч йилда бир марта янгилаб борилади.

88. Таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни амалга оширадиган мутахассисларга қўйиладиган касбий малака талабларига мувофиқ бўлиши;

олий таълим давлат стандартларига нисбатан изчил кетма-кетликда бўлиши;

замонавий таълим технологияси ва ўқув воситаларига мўлжалланган бўлиши;

таълим дастури мазмуни меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича амалга ошириладиган касбий фаолиятга мувофиқ бўлиши керак.

89. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим дастурлари назорат тадбирларини назарда тутиши шарт, жумладан:

тингловчиларни тест синовидан ўтказиш;

имтиҳон топшириш.

90. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув юкламаларини режалаштиришда уларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

91. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган тингловчилар таълим дастурларини ўзлаштириш натижаларига кўра қуйидаги билишлари керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари;

ташкilotларда ишлаб чиқиладиган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритишини таъминлайдиган локал ҳужжатлар рўйхати;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан огоҳлантириш бўйича профилактика ишларини ўтказиш, шахсий ҳимоя воситалари тўғри қўлланиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш усуллари ва услублари, ишлаб чиқариш ва касб касаллигига чалиниш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича аниқланган номувофиқликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни бажариш;

ҳодимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ҳажмлари бўйича эҳтиёжларни аниқлаш;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг тоифалари, турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва ҳолатини баҳолашнинг мезонлари;

касб касалликлари турлари ва касбий хавфларни бошқариш усуллари;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ва ҳисобга олишда, шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳатланганларнинг суғуртасини таъминлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхати;

иш берувчининг меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вазифа ва мақсадларини шакллантириш асослари;

иш берувчи фаолиятининг хусусиятини инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-гигиена осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари;

зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга белгиланган компенсация турлари ва миқдори, уларни бериш шартлари ва тартиби;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузгани учун жавобгарлик (интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий) ва жавобгарликка тортиш тартиби;

технологик жараёнларнинг асослари, машиналар, қурилмалар ва ускуналарнинг вазифалари, иш берувчининг фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда хомашё ва материалларни қўллаш;

технологиялар, ускуналар, машиналар ва мосламаларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар, шунингдек, уларни қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб чиқариш объектларини назорат қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар рўйхати;

ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) омиллари, уларнинг манбалари ва хусусиятлари;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини режалаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг натижаларини ва бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш.

92. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш курсларида ўқиган, таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган шахслар қуйидаги билимларга эга бўлишлари шарт:

қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича самарали иш тизимини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг барча жараёнларини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

жамоа келишуви, жамоа шартномаси ва ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш қисмини ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар ўртасида ваколатлар ва мажбуриятларни тақсимлаш;

ходимларга ишлаб чиқаришда жароҳатланганларга шифокордан олдинги ёрдам кўрсатиш услуб ва усулларини ўргатиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар, ходимларни хавфсиз меҳнатнинг услуб ва усулларига ўқитиш дастурларини, хавфсиз меҳнат шaroитларини таъминлаш ва меҳнат шaroитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар ўтказиш ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширишни таъминлаш;

касбий хавфларни баҳолаш орқали ташкилотларда ташкил этилган меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ва ҳақиқий шaroитларни таҳлил қилиш;

иш берувчига меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари масалалари бўйича ҳисобот (шу жумладан, статистика) ҳужжатларини тайёрлаш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш бўйича комиссия ишини ташкил қилиш, тақдим этилган материаллар асосида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиги ҳолатини ўрганиш;

иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналардан фойдаланишда жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилиги бўйича аттестация комиссияси ишини ташкил этиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш-профилактика хизматини кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ходимларга санитария-маиший хизмат кўрсатиш талабларини ишлаб чиқиш;

ходимларнинг хавфсиз ишлаш даражасини яхшилаш, меҳнат шaroитларининг яхшиланишидан манфаатдорлик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш режимини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ходимларни меҳнат шaroитлари ва иш жойларидаги меҳнат муҳофазаси, соғлиғига етказиладиган жароҳатлар хавфлари, тақдим этиладиган компенсациялар ва кафолатлар бўйича атрофича маълумотлар билан таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари масалалари бўйича ходимларнинг вакиллик органлари билан ишларни ташкил этиш.

93. Ушбу Низом билан қоғоз ҳамда электрон шаклда тўлдирилган ва тасдиқланган ҳужжатлар ташкилот томонидан ўн йил давомида сақланади ҳамда ушбу мажбурият ташкилот раҳбари зиммасига юкланади.

5-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш

94. Билимларини текшириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш натижаларига кўра қабул қилинган қарорлардан норози бўлган талабгорлар имтиҳон натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органларига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

95. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари ҳамда уларнинг ҳудудий органлари томонидан Апелляция комиссияси ташкил қилинади. Апелляция комиссияси таркиби камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ва унинг ҳудудий органи раҳбарининг буйруғи билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Малака ошириш марказида билимлари текширилган, малака оширган ва қайта тайёрлашдан ўтган талабгорлар шикоятлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига берилади ҳамда вазирликнинг Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Профessional иштирокчиларда билимлари текширилган, малака оширган ва қайта тайёрлашдан ўтган талабгорлар шикоятлари тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳудудий органларига ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларига берилади ва ҳудудий органларнинг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси ўн беш иш кунда берилган апелляцияни талабгор иштирокида кўриб чиқади. Апелляция комиссиясининг иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома апелляция комиссиясининг барча аъзолари ва талабгор томонидан имзоланади.

Апелляция комиссияси апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтиҳон натижаларини бекор қилиш ва билимлари текширилгани, малака оширгани ва қайта тайёрлашдан ўтгани тўғрисидаги сертификатни бериш ҳақида.

96. Имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган сабаблар ўз тасдиғини топмаса.

97. Имтиҳон натижаларини бекор қилиш, талабгор билимлари текширилгани, малака оширгани ва қайта тайёрлашдан ўтгани тўғрисидаги сертификатни бериш ҳақидаги қарор имтиҳонлар ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

98. Талабгор билимлари текширилгани, малака оширгани ва қайта тайёрлашдан ўтгани тўғрисидаги сертификатни бериш ҳақидаги қарор қабул қилингандан сўнг Малака ошириш маркази ёки профессионал иштирокчилар талабгорга белгиланган тартибда тегишли сертификатни беради.

99. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

6-боб. Яқунловчи қоида

100. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
1-илова

Кириш йўл-йўриғининг намунавий дастури

1. Корхона ҳақида умумий маълумот.

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) ҳақида умумий маълумотлар, иш вақти ва дам олиш вақти, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат назорати, ички идоравий ва жамоат текшируви, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни текшириш тартиби, ички меҳнат тартиби қоидалари.

3. Хавфсизлик техникаси.

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва улардан ҳимояланиш йўллари, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишнинг асосий сабаблари.

Ишлаб чиқариш жиҳозлари ва ишлаб чиқариш жараёнларига қўйилган МХСТ стандартлари талаблари, жиҳозларни ишлатишда асосий хавфсизлик қоидалари.

Ҳимоялаш, тўсиқ, хабар берувчи воситалар, хавфсизлик белгилари ва уларнинг ранглари.

Электр токининг инсон организмига таъсири, ток уриш турлари, ток уриши хавфини оширувчи шароитлар, электр токидан шикастланишнинг олдини олиш бўйича асосий чоралари.

Иш жойини хавфсизлик талаблари асосида ташкил этиш ва сақлаш.

Ички ва ташқи автотранспорт йўналиши билан боғлиқ ҳамда юк кўтариш механизмлари учун хавфсизлик қоидалари.

4. Ишлаб чиқариш санитарияси.

Ишлаб чиқариш муҳитининг асосий санитария-гигиена омиллари.

Меҳнат шароитларини яхшилаш чоралари (техник, ташкилий, санитар-гигиеник, даволаш-профилактика).

Шамоллатиш тизимининг тузилиши ва вазифаси.

Ишлаб чиқариш омилларининг зарарли таъсирини камайтириш бўйича даволаш-профилактика тадбирлари.

5. Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари, меъёрлар ва улардан фойдаланиш қоидалари, ҳимоя воситаларига қўйиладиган МХСТ стандартларининг талаблари.

Махсус кийим, пойабзал, нафас йўли, кўз, бош, юз ва қўл учун ҳимоя воситалари, сақловчи мосламалари.

6. Санитария кийимлари, санитария пойабзали ва санитария жиҳозларига қўйиладиган талаблар, шахсий гигиена қоидалари.

7. Корхонада ёнғин хавфсизлигининг асосий талаблари.

8. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талаблари.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома талабларини бузганлик учун ходимнинг жавобгарлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
2-илова

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш йўл-йўриғини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

Титул варағи

(ташкилотнинг номи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш йўл-йўриғини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

Бошланди: 20__ йил “__” ____

Тугади: 20__ йил “__” ____

Биринчи ва кейинги саҳифалари

Йўл-йўриқдан ўтказиш санаси	Йўл-йўриқдан ўтувчининг фамилияси, исми, отасининг исми	Касби, лавозими	Йўл-йўриқдан ўтувчи йўналтирилаётган таркибий бўлинма номи	Имзолар		Йўл-йўриқдан ўтказувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми
				йўл-йўриқдан ўтувчи	йўл-йўриқдан ўтказувчи	

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
3-илова

Иш жойидаги йўл-йўриқнинг намунавий дастури

1. Тошкilotда ёки ишлаб чиқариш участкасидаги ускуна ва технологик жараён ҳақида умумий маълумот ҳамда асосий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари.

2. Иш жойини хавфсиз ташкил этиш ва сақлаш йўл-йўриқлари.

3. Дастгоҳнинг тузилиши (машинани, механизмни, асбобни), ускунанинг хавфли зонаси, сақловчи мосламалар, тўсиқлар, блокировка ва хабар берувчи тизимлар.

4. Ишга тайёрлаш тартиби (ускунани, ишга туширувчи асбобларни, асбоб ва мосламаларни, ерга улагичнинг блокировкаси ва бошқа ҳимоя воситаларининг ишга яроқлилигини текшириш).

5. Ишнинг хавфсиз услуб ва усуллари ҳамда хавфли вазият юзага келганда ҳаракат қилиш қоидалари.

6. Иш жойидаги шахсий ҳимоя воситалардан фойдаланиш йўл-йўриқлари.

7. Ходимларга электр хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талаблари.

8. Ходимларнинг ташкилот, бўлинма ва бўлим (цех) ҳудуди бўйича хавфсиз ҳаракатланиш схемаси.

9. Юкларни ташиш, ортиш-тушириш ишлари, юк кўтарадиган транспорт воситасидан ва юк кўтариш механизмларидан фойдаланишда хавфсизлик талаблари.

10. Авария, портлаш, ёнғинларнинг олдини олиш чоралари, авария, портлаш, ёнғин пайтдида ҳаракат қилиш қоидалари, ўт ўчириш, аварияга қарши ҳимоя ва хабар берувчи воситаларидан фойдаланиш усуллари ҳамда уларнинг жойлашиши схемаси.

11. Механик шикастланиш, термик куйиш, кислота ва ишқорлардан куйиш, заҳарланиш, кўзнинг шикастланиши, электр токидан шикастланишлар туфайли жабрланганларга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари.

12. Ходимлар ва мансабдор шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат интизомига риоя қилиш бўйича мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
4-илова

Иш жойидаги йўл-йўриқни қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

Титул варағи

(ташкилотнинг номи)

Иш жойидаги йўл-йўриқни қайд қилиш
ЖУРНАЛИ

(бўлинманинг номи)

Бошланди: 20__ йил “__” ____

Туғди: 20__ йил “__” ____

Биринчи саҳифа

____ ходимларининг рўйхати

(бўлинманинг номи)

Фамилияси, исми ва отасининг исми	Касби, лавозими	Йўл-йўриқ ёзилган саҳифанинг рақами	Эслатма

Кейинги саҳифалар

Фамилияси, исми, отасининг исми _____

Касби (лавозими) _____

Йўл-йўриқдан ўтказиш санаси	Йўл-йўриқнинг тури, сабаби	Йўл-йўриқдан ўтказиш мавзуси (йўл-йўриқни ўтказишдаги масалалар ёки йўриқноманинг рақами)	Имзолар		Йўл-йўриқдан ўтказувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми
			йўл-йўриқдан ўтувчи	йўл-йўриқдан ўтказувчи	

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
5-илова

_____ бўйича
(бўлинманинг номи)
стажировкани ўтказиш вазифасини юклаш тўғрисида
ВАРАҚАСИ

20__йил “__” _____

Ишларни хавфсиз бажаришнинг амалий кўникмаларини эгаллаш мақсадида
_____ га қабул қилинган.

(Ф.И.О.) лавозими

Стажировка ўтказилишиним доимий назорат қилиб бориш мажбуриятини стажировкадан
ўтказиш учун жавобгар шахс _____ га
юклансин.

(Ф.И.О. лавозими (касби) кўрсатилсин)

Стажировка муддати: 20__йил “__” _____ дан 20__йил “__” _____ гача.

Стажировка муддати тугаши билан билимлари бирламчи текширилсин.

Бўлинма раҳбари: _____.

(Ф.И.О.) (имзо)

Танишди: _____

(стажировкадан ўтувчининг Ф.И.О.) (имзо)

Янги қабул қилинган (ёки ўтказилган) ходимга

СТАЖИРОВКА ВАРАҚАСИ

Ф.И.О. _____

Стажировка дастури	Соатлар сони	Ўтказиш санаси	Стажировка ўтказувчининг Ф.И.О., лавозими	Имзо

Билимларни текшириш
санаси, баённома № _____

Комиссия
хулосаси _____

Бўлинма раҳбари _____

Стажировка
раҳбари _____

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвири

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитилгани ва билимлари
текширилгани ҳақида

СЕРТИФИКАТ

№ 0000000

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)
20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача

_____ (ўқитиш ва билимларни текшириш таълим муассасасининг номи)

_____ (ўқитиш ва билимларни текшириш дастурининг номи)

дастур бўйича _____ соат ҳажмида ўқитиш ва билимларни текшириш курсида ўқиди:

_____ (Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш ва билимларни текшириш бўйича дастурнинг номи)

Мухр ўрни:

Имтиҳон комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Таълим муассасаси раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош)
давлат техник инспектори

(имзо)

(Ф.И.О.)

Шаҳар (туман) _____

Сана _____

Рўйхатга олиш рақами: _____



QR-код ўрни

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
7-илова

**Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
ўқитишни рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ**

(ташкилотнинг бўлим ёки бўлинмаси номи)

T/p	Ўқишдан ўтган ходимнинг Ф.И.О.	Касби (лавозими)	Ўқиш ўтказилган сана	Ўқишдан ўтган ходимнинг имзоси

(ўқишни ўтказган масъул
ходимнинг лавозими)

(имзоси)

(Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
8-илова

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш
ЖАДВАЛИ

“Тасдиқлайман”

(лавозими)

(имзо ва имзонинг ёйилмаси)

20__йил. “__” __

20__йил учун

(корхонанинг бўлинмаси)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш
ЖАДВАЛИ

Фамилияси, исми ва отасининг исми	Касби (лавозими)	Синов санаси			Эслатма
		олдинги	режа бўйича	амалда	

(бўлинманинг устаси, бригадир,
смена бошлиғи)

(имзоси)

(Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
9-илова

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш
ЖУРНАЛИ

Титул варағи

(ташкilotнинг номи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш
ЖУРНАЛИ

(бўлинманинг номи)

Бошланди: 20 ____ йил “ ____ ” ____
Тугади: 20 ____ йил “ ____ ” ____

Биринчи ва кейинги саҳифалар

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текшириш комиссиясининг
20 ____ йил “ ____ ” ____ даги ____ - сон

БАЁННОМАСИ

Комиссия таркиби (фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими):

Раис _____

Комиссия аъзолари:

1. _____
2. _____

Билимларни текшириш тасдиқланган (ким томонидан, қачон) дастур асосида ўтказилди

Текшириш натижалари

Фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари	Лавозими, касби, ушбу касбдаги иш стажи	Олдинги текшириш санаси	Баҳо, хулоса	Текширишдан ўтаётган шахснинг имзоси

Ижобий баҳо олганларга мустақил ишлаш учун ва тегишли (раҳбарлик) ишларни бажариш учун рухсат берилади.

Имзолар:

1. _____ 2. _____ 3. _____

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
10-илова

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвири

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака оширганлик ҳақида

СЕРТИФИКАТ
№ 0000000

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)
20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача

_____ (малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасасининг номи)

_____ (ҳодимлар малакасини ошириш дастурининг номи)

дастур бўйича _____ соат ҳажмида малака ошириш курсида ўқиди:
_____ (Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш бўйича дастурнинг номи)

Мухр ўрни:

Имтиҳон комиссияси раиси	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)
Таълим муассасаси раҳбари	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)

Шаҳар (туман) _____ Сана _____
Рўйхатга олиш рақами: _____



QR-код ўрни

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш,
ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш
ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга
11-илова

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвири

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ҳақида

СЕРТИФИКАТ
№ 0000000

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)
20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача

_____ (малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасасининг номи)

_____ (мутахассисни қайта тайёрлаш дастурининг номи)

бўйича _____ соат ҳажмида меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислиги курсида
ўқиди: _____

мавзусидаги малака ишини “__” баҳога ҳимоя қилди ва имтиҳон комиссияси қарорига асосан унга _____
_____ лавозимида ишлаш ҳукуки берилди.
(касб, лавозим номи)

Мухр ўрни:
Имтиҳон комиссияси раиси _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Таълим муассасаси раҳбари _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош)
давлат техник инспектори _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Шаҳар (туман) _____ Сана _____
Рўйхатга олиш раками: _____



QR-код ўрни

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бўлинма ва бўлим (цех) – ташкилотдаги бўлинма, бўлимлар, цехлар, омборлар, бюрлар, хизматлар ва бошқа мустақил бўлинмалар (кейинги ўринларда – бўлинма ва бўлим (цех));

иш тури – ишловчилар томонидан амалга ошириладиган ва ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиладиган бир хил турдаги ўхшаш операцияларнинг тўплами ёки кетма-кетлиги;

иш жойи – ходим шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкилот, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек, ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома (кейинги ўринларда – йўриқнома) – меҳнат жараёнида ишловчиларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи ҳамда иш қобилияти сақланишини таъминлайдиган талабларни бажариш тартиби тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган локал ҳужжат;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси – ходимлар учун хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинадиган меҳнат шароитлари ҳолати ҳамда уларнинг инсон саломатлиги ва функционал ҳолатига таъсирининг профилактикасига қаратилган чора-тадбирлар тизими;

ташкилот – республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда иш берувчи бўлган жисмоний шахслар;

шахсий ҳимоя воситалари – ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

3. Йўриқномалар куйидагилар учун ишлаб чиқилиши шарт:

муайян касблар учун (мисол учун, электр пайвандчилар, дастгоҳчилар, чилангарлар, электр монтерлар, фаррошлар, лаборантлар, сут соғувчилар ва бошқалар);

муайян иш турлари учун (мисол учун, баландликдаги ишлар, монтаж ишлари, созлаш, таъмирлаш, синовлар ўтказиш ва бошқалар).

4. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида (портлаш ишларида, электр қурилмаларида, юк кўтарувчи машиналарда, қозон қурилмаларида, босим остидаги идишларда) ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар давлат назорати органлари томонидан тасдиқланган махсус қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Йўриқномалар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидаларни бекор қилмайди ва алмаштирмайди.

5. Йўриқномалар фақат хавфсизлик техникаси, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси билан боғлиқ бўлган ва ишловчиларнинг ўзлари томонидан бажариладиган талабларни ўз ичига олиши керак.

6. Йўриқномалар меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими (кейинги ўринларда – МХСТ), меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва нормалар, ташкилотларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарган ташкилотнинг эксплуатация ва таъмирлаш ҳужжатларида, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда ташкилотнинг технологик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилиши керак.

Йўриқномаларда қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган қоидалар бўлмаслиги керак.

7. Йўриқномаларни ўрганишни ташкил этиш, иш жойларида ишловчиларни йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот бўлинмасининг раҳбари зиммасига юкланади.

8. Йўриқноманинг талаблари ходимлар учун мажбурийдир ҳамда талабларни бажармаслик ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши деб ҳисобланади.

9. Ходимлар томонидан йўриқнома талабларининг бажарилишини доимий назорат қилиш ташкилот раҳбарлари ва унинг таркибий бўлинмалари (хизматлари) раҳбарлари, устахоналар (бўлимлар) раҳбарлари, усталар, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (бўлим, шуъба, муҳандис) ва бригадирлар зиммасига юкланади.

10. Йўриқномаларни ишлаб чиқишга услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан амалга оширилиши керак.

11. Йўриқномаларнинг мазмуни амалдаги қоида ва меъёрларга мувофиқлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг тўлиқлиги учун жавобгарлик ишлаб чиқувчи бўлинма раҳбари зиммасига юкланади.

2-боб. Йўриқномаларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби

12. Ташкилот бўлинмаси, бош мутахассислар (бош технолог, бош механик, бош энергетик, бош металлург ва бошқалар), меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаш хизмати раҳбарлари иштирокида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки муҳандиси (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиснинг вазифалари юкланган махсус тайёргарликка эга бўлган ходим) томонидан касблар ва айрим иш турлари бўйича йўриқномаларнинг рўйхати тузилади.

Рўйхат ташкилотда тасдиқланган штат жадвали асосида ишлаб чиқилади ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ушбу Низомга 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан (қоғоз ёки электрон шаклда) тасдиқланади ҳамда ташкилотнинг барча таркибий бўлинмаларига (хизматларига) юборилади.

13. Амалдаги рўйхатда кўрсатилмаган янги йўриқномалар ташкилот раҳбариятининг кўрсатмаси (буйруғи) асосида ишлаб чиқилади ва рўйхатга киритилади.

14. Йўриқномалар ташкилотнинг бўлим ва бошқа таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан давлат тилида ишлаб чиқилади.

Бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари барча ходимларини йўриқномалар билан таъминлаш учун жавобгардир.

15. Ташкилотда умумий фойдаланиладиган иш турлари бўйича йўриқномалар, масалан, “баландликда ишлаш” барча манфаатдор бўлим раҳбарлари томонидан биргаликда ишлаб чиқилади ва бутун ташкилотда амал қилади.

16. Ташкилотда йўриқномаларни ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ташкилот раҳбари, бош муҳандис ёки ташкилот раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари зиммасига юкланади.

17. Зарур ҳолларда ташкилот раҳбарияти бўлинмалардан бирида йўриқномаларни ишлаб чиқишда ташкилотнинг бошқа бўлинмалари мутахассисларини жалб қилиши мумкин.

18. Йўриқномаларни ўз вақтида ишлаб чиқиш, текшириш ва қайта кўриб чиқиш устидан доимий назоратни ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати амалга ошириши, ишлаб чиқувчиларга услубий ёрдам кўрсатиши, зарур йўриқномалар, МХСТлар, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича қоида ва меъёрлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши керак.

19. Йўриқномаларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган тайёргарлик қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

технологик жараёни ўрганиш, унинг нормал оқими ва мақбул режимдан четга чиқиш пайтида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини ва улардан ҳимоя қилиш чоралари ва воситаларини аниқлаш;

амалдаги ускуналар, қурилмалар ва асбобларнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

йўриқномаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган материалларни танлаш (ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, тегишли техник адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва бошқалар);

тегишли ишларни бажаришда ишлатилиши мумкин бўлган ҳимоя воситаларининг конструктив хусусиятлари ва самарадорлигини ўрганиш;

ташкилотларда содир бўлган меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва авариялар юзасидан юқори турувчи ташкилотнинг ахборот хатлари, кўрсатмалари ва фармойишларини ўрганиш;

ташкилотда ушбу касб (иш тури) учун меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари ва авария ҳолатларини таҳлил қилиш;

йўриқномаларга киритилиши керак бўлган ишнинг хавфсиз усуллари, уларнинг кетма-кетлиги, шунингдек, техник ва ташкилий талабларни аниқлаш.

20. Йўриқномаларга киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари муайян иш жойига ва ходимнинг ҳақиқий меҳнат шароитларига нисбатан белгиланиши керак. Аниқлаштиришни талаб қилмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари йўриқномаларга ўзгаришсиз киритилади.

21. Янги ишга туширилаётган корхоналарда вақтинча йўриқномалар ишлаб чиқилиши мумкин. Вақтинча йўриқномалар технологик жараёнларнинг (ишларнинг) хавфсиз ўтказилишини ва жиҳозлардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаши керак.

Ишлаб чиқиладиган доимий йўриқномаларга қўйиладиган талаблар, вақтинча йўриқномаларни ишлаб чиқишга ҳам тааллуқлидир. Вақтинча йўриқномалар касблар бўйича ҳам, иш турлари бўйича ҳам ушбу ишлаб чиқаришлар фойдаланишга топширилгунига қадар тайёрланади.

22. Йўриқномалар лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига, бош мутахассислар хизмати раҳбарларига (бош технолог, бош механик, бош энергетик, бош металлург ва бошқалар) кўриб чиқиш учун юборилади.

23. Йўриқномалар лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида олинган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилгандан сўнг йўриқноманинг якуний лойиҳаси ишлаб чиқилади.

24. Йўриқномаларнинг якуний лойиҳаси, йўриқномаларни ишлаб чиқишга масъул бўлган шахс ёки ишлаб чиқиш учун жавобгар бўлган бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари томонидан имзоланиши шарт.

25. Йўриқномаларнинг якуний лойиҳасини тасдиқлашдан аввал меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки мутахассиси (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахасснинг вазифалари юкланган, махсус тайёргарликка эга бўлган ходим) ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари (бош технолог, бош механик, бош энергетик, бош металлург ва бошқалар) билан келишилган бўлиши керак.

26. Электрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилган ташкилотларда барча келишиш ва тасдиқлаш босқичлари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

27. Йўриқномаларнинг якуний лойиҳаси келишилгандан сўнг икки нусхада тасдиқлаш учун тақдим этилади, улардан бири биринчи нусха бўлиши керак:

биринчи нусхаси – йўриқномани ишлаб чиққан бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарига;

иккинчи нусхаси – ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматида сақланади.

28. Йўриқномалар, ташкилот раҳбари (иш берувчи) ёки бош муҳандис (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

29. Ташкилотлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ходимлари сони 20 нафаргача ҳамда касбий таваккалчилик даражаси 4-тоифагача бўлган фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш талаб этилмайди. Бунда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормалар ва қоидалар асосида амалга оширилади.

30. Йўриқномалар тасдиқланган кундан бошлаб амалга киритилади.

Тегисли технологик жараёни жорий қилишдан аввал (ишлаб чиқариш ишининг бошланиши) ёки янги ускуналарни ишга туширишдан олдин ишловчилар тегисли тайёргарликдан ўтказилгандан сўнг йўриқнома амалга киритилиши керак бўлади.

3-боб. Йўриқномаларнинг тузилиши ва мазмуни

31. Ҳар бир йўриқнома қайси касб ёки иш тури учун мўлжаллангани тўғрисидаги номга ва рақамга эга бўлиши керак.

Йўриқномаларнинг номлари, масалан касб учун “Газ пайвандчи учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома”, иш тури учун эса “Баландликда ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома” деб номланиши мумкин.

32. Йўриқномаларнинг матни ўз номига эга бўлган бўлимларга бўлиниши керак. Бўлимлар бандлардан иборат бўлади. Зарур бўлган ҳолларда бандлар кичик бандларга бўлиниши мумкин.

Бўлимлар рим рақамлари билан рақамланиши керак, барча бўлимларнинг кичик бандлари эса араб рақамлари билан кетма-кетликда рақамланиши лозим.

33. Йўриқномаларнинг ҳар бир бандида битта тугалланган меъёрий кўрсатма бўлиши керак.

34. Технологик жараённинг кетма-кетлигига мувофиқ бажариладиган иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда йўриқноманинг талаблари баён қилиниши лозим.

35. Йўриқномаларда қуйидаги бўлимлар бўлиши керак:

умумий хавфсизлик талаблари;

ишни бошлашдан олдинги хавфсизлик талаблари;

иш вақтидаги хавфсизлик талаблари;

авария ҳолатларидаги хавфсизлик талаблари;

иш тугагандан кейинги хавфсизлик талаблари.

36. “Умумий хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

шахсларга касби бўйича мустақил ишлашга ёки тегишли иш турларини бажаришга рухсат бериш шартлари (ёши, жинси, соғлиғи, тайёргарлик даражаси ва бошқалар);

ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш, чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш;

ходимга таъсир қилувчи хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг хусусиятлари;

иш вақтига қўйиладиган талаблар, дам олиш ва овқатланиш учун танаффуслар, смена чекловлари (агар керак бўлса);

давлат, тармоқ, республика стандартлари ёки улар учун техник шартларнинг белгиларини кўрсатган ҳолда, ушбу касб учун стандартларда талаб қилинадиган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари;

ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш талаблари;

жиҳоз, мослама ва асбобларнинг носозликлари аниқлангани ва шикастланиш ҳолатлари тўғрисида маъмуриятни хабардор қилиш тартиби;

жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишни билиш зарурати тўғрисидаги кўрсатмалар;

иш вақтида ходим билиши ва риоя этиши шарт бўлган шахсий гигиена қоидалари;

йўриқнома талабларини бузгани учун ходимнинг жавобгарлиги.

37. “Ишни бошлашдан олдинги хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

иш жойини, шахсий ҳимоя воситаларини тайёрлаш тартиби;

жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар, тўсиқлар, сигнализация, блокировкалар ва бошқа қурилмалар, ерга улаб ҳимоялаш, вентиляция, маҳаллий ёритиш ва бошқаларнинг хизматга яроқлилигини текшириш тартиби;

бошланғич материаллар (хомашё, ярим маҳсулот) мавжудлиги ва унинг ҳолатини текшириш тартиби;

узлуксиз ишлашда сменаларни қабул қилиш тартиби;

ишлаб чиқариш санитарияси талаблари.

38. “Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ишни хавфсиз бажариш усуллари, технологик жиҳоз, мослама ва асбоблардан фойдаланиш қоидалари;

бошланғич материаллар (хомашё, ярим маҳсулот), ёрдамчи материал ва тайёр маҳсулотлар билан хавфсиз ишлашга қўйиладиган талаблар;

транспорт воситалари, контейнерлар ва юк кўтариш механизмларини хавфсиз ишлатиш қоидалари;

иш жойини хавфсиз сақлаш бўйича кўрсатмалар;

нормал технологик режимдан четлашишнинг асосий турлари ва уларни бартараф этиш усуллари;

авария ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар;

носозликларни хавфсиз бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар;

ишловчиларнинг ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишига қўйиладиган талаблар.

39. “Авария ҳолатларидаги хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

авариялар ва бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар юз берганда бажариладиган ҳаракатлар;

шикастланиш, заҳарланиш ва тўсатдан касалланган пайтда жабрланганга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатлар.

40. “Иш тугагандан кейинги хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

узлуксиз жараёнда ускуналар, мосламалар, машиналар, механизмлар ва аппаратураларни хавфсиз ўчириш, тўхтатиш, қисмларга ажратиш, тозалаш, мойлаш ҳамда смена бўйича топшириш тартиби;

иш жойини топшириш тартиби;

ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозалаш тартиби;
шахсий гигиена ва ишлаб чиқариш санитариясига қўйиладиган талаблар;
иш давомида аниқланган барча камчиликлар тўғрисида маъмуриятни хабардор қилиш тартиби;
химоя воситаларидан кейинги фойдаланиш бўйича кўрсатмалар (сақлаш, утилизация қилиш, тозалаш ёки қайта тиклаш).

4-боб. Йўриқномаларни расмийлаштириш тартиби

41. Йўриқномаларнинг матни қисқа, аниқ бўлиши ва унда турли хил талқинларга йўл қўйилмаслиги керак.

42. Йўриқномаларнинг ҳажми минимал бўлиши, аммо хавфсиз меҳнат шaroитларини таъминлаш учун етарли бўлиши керак.

Йўриқномаларга фақат ходим бажариши мумкин бўлган талаблар киритилиши лозим.

43. Йўриқномаларда ушбу ташкилотда ишлаб чиқилган йўриқномаларга ҳавола қилишдан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинмаслиги керак. Кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари йўриқномаларни ишлаб чиқувчилар томонидан ҳисобга олиниши керак. Зарур бўлган тақдирда, ушбу ҳужжатларнинг талаблари йўриқномаларда матн ёки изоҳли кўринишда киритилиши лозим.

44. Йўриқномаларда қўлланадиган атамалар турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигида қабул қилинган МХСТдаги терминлар ва тушунчаларга мос бўлиши керак.

матни Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамалардан фойдаланилган ҳолда, умумий қабул қилинган грамматика, имло ва пунктуация қоидаларига мувофиқ тузилади.

Ушбу ҳужжатларда белгиланмаган атамалардан фойдаланилганда, йўриқноманинг матнида уларнинг таърифи ёки тушунтиришлари берилиши керак.

45. Йўриқномаларда қуйидагиларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шаклларида фойдаланишга;

давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлганда, хорижий тилларнинг атамаларидан фойдаланишга;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялардан фойдаланишга.

46. Йўриқномаларнинг матнида тақиқ шаклидаги талабларни тақдим этишда, унинг нима сабабли келтирилаётгани тўғрисида тушунча берилган ҳолда ёзилиши керак.

47. Йўриқномаларда белгиланган барча талаблар ходимлар томонидан бир хил бажарилишини таъминлаш учун ушбу талабларнинг алоҳида маъносини таъкидлайдиган сўзлар ишлатилмаслиги лозим (масалан: “қатъий”, “айниқса”, “мажбурий”, “албатта” ва бошқалар).

48. Йўриқномаларнинг алоҳида талаблари кўргазмали бўлиши учун ушбу талабларнинг маъносини тушунтирувчи фотосуратлар, схемалар ёки чизмалар билан тасвирланиши мумкин.

Йўриқномаларнинг алоҳида талаблари кўргазмали бўлиши учун видеотасвир шаклида ҳам бўлиши мумкин.

49. Йўриқномалар матнидаги сўзларда ҳарфли қисқартма (қисқартма сўз) ишлатилишига унинг биринчи марта тўлиқ маъносини берувчи ёйилмаси бўлган тақдирда, рухсат этилади.

50. Агар ишларнинг хавфсиз бажарилиши маълум бир меъёрларга боғлиқлиги бўлса, унда улар йўриқномада кўрсатилиши лозим (машина қисмлари ўртасидаги жуда тор тиркишнинг қиймати, масофа ва бошқалар).

51. Йўриқномаларнинг сарлавҳа саҳифаси (титул варағи), биринчи ва охириги саҳифалари ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

5-боб. Йўриқномаларни рўйхатдан ўтказиш, кўпайтириш ва ҳисобга олиш

52. Тасдиқланган йўриқномалар ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ журналда рўйхатга олинади.

53. Ҳар бир йўриқномани рўйхатга олишда унга белги (тартиб рақами) қўйилади.

Йўриқномаларни белгилашнинг (тартиб рақами) тузилиши:

ММ Х1–Х2–Х3, бунда:

ММ – меҳнат муҳофазаси;

Х1 – ишлаб чиқувчи бўлинманинг тартиб рақами (иш юритиш бўйича ёки жараён коди);

Х2 – йўриқномаларни рўйхатга олиш журналидаги тартиб рақами;

Х3 – йўриқноманинг тасдиқланган (қайта кўриб чиқилган) йили.

Мисол учун, йўриқномани белгилаш (тартиб рақами): “Токарлик дастгоҳида ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома”, ММ 06–01–24.

54. Ташкилотнинг бўлинмалари (хизматлари) раҳбарларига йўриқномалар меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ журналда рўйхатга олинган ҳолда берилади (якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно).

55. Рўйхатдан ўтказилган йўриқномалар керакли миқдордаги нусхаларда кўпайтирилади. Йўриқномаларни кўпайтириш ташкилот бўлинмаси раҳбари (йўриқномани ишлаб чикувчи) томонидан ташкил этилади.

56. Йўриқномалар нусхаларнинг асл нусхаси билан бир хил бўлишини таъминланган ҳолда, ҳар қандай усулда кўпайтирилиши мумкин.

57. Ташкилотнинг манфаатдор бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарлари, ходимлар ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йўриқномалар билан таъминланиши лозим.

Йўриқномаларнинг жойлашуви, улар билан танишишнинг соддалиги ва қулайлигини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари томонидан белгиланади.

58. Ташкилотнинг бўлинма ва бўлим (цех) раҳбарида ушбу бўлинма ва бўлимнинг (цех) барча касблари ва иш турлари бўйича йўриқномалар тўплами, шунингдек, ташкилотнинг раҳбари ёки бош муҳандиси (ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан ушбу Низомга 6-иловада келтирилган шаклга мувофиқ тасдиқланган амалдаги йўриқномалар рўйхати доимий равишда сақланиши лозим.

59. Ҳар бир участка раҳбарида (уста, бригадир ва бошқалар) ушбу участкадаги барча касблар ва иш турлари бўйича амалдаги йўриқномаларнинг тўплами ҳамда ушбу Низомга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ тасдиқланган амалдаги йўриқномалар рўйхати доимий равишда сақланиши лозим.

60. Касблар ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари ушбу Низомга 8-иловада келтирилган намуна бўйича ишлаб чиқилади.

6-боб. Йўриқномаларни текшириш ва қайта кўриб чиқиш

61. Йўриқномаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун улар вақти-вақти билан кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолда йўриқномаларни қайта кўриб чиқиш ва уларга ўзгартириш киритиш зарурати аниқланади.

62. Йўриқномалар йўриқномани ишлаб чиққан бўлинма ва бўлим (цех) раҳбари томонидан текширилади ва қайта кўриб чиқилади.

Йўриқномаларни ўз вақтида текшириш ва қайта кўриб чиқиш учун тегишли равишда ташкилот ва йўриқномани ишлаб чиққан бўлинма раҳбарлари жавобгардир.

63. Йўриқномалар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро ва тармоқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, лекин камида 3 йилда бир марта ва юқори хавф билан боғлиқ касблар ёки иш турлари бўйича йўриқномалар эса камида 2 йилда бир марта текширилиши керак.

Агар ушбу муддат ичида ташкилотда ишловчиларнинг меҳнат шaroитлари ўзгармаган бўлса, у ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, ташкилот бўйича буйруқ (фармойиш) билан йўриқноманинг амал қилиш муддати кейинги муддатга узайтирилади ва бу ҳақида йўриқноманинг биринчи саҳифасида ёзув киритилади (“қайта кўриб чиқилган” муҳр, масъул шахснинг имзоси ва санаси қўйилади).

64. Йўриқномалар қуйидаги ҳолларда белгиланган муддат тугагунга қадар қайта кўриб чиқилиши керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгартирилганда ёки илгари амалда бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилганда;

юқори турувчи ташкилотлар, касаба уюшмалари кенгашлари ва давлат назорати органларининг кўрсатмаси бўйича;

йўриқномаларни қайта кўриб чиқиш (ўзгартириш) зарурлигини келтириб чиқарадиган авария ҳолати ёки ходимларнинг шикастланиши юзага келганда;

янги техника ва технологияни жорий қилишда, технологик жараён ёки меҳнат шaroитларининг ўзгариши, шунингдек, янги турдаги асбоб-ускуналар, материаллар, ускуналар, қурилмалар ва асбоблардан фойдаланишда.

Охирги ҳолатда йўриқномалар ўзгартиришлар киритилишидан олдин қайта кўриб чиқилиши керак.

65. Қайта кўриб чиқилган йўриқномаларни имзолаш, келишиш ва тасдиқлашни расмийлаштириш тартиби ушбу Низомнинг 4-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

66. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
1-илова

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкилотнинг номи)

Ташкилот раҳбари ёки бош муҳандиси

(имзо) (Ф.И.О)

20__йил “__” ____

нинг

(ташкилотнинг номи)

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар
РЎЙХАТИ

Т/р	Йўриқнома номи	Йўриқномани ишлаб чиқувчи бўлинманинг номи	Изоҳ

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О)

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
2-илова

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш

Т/р	Ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони	Касбий таваккалчилик даражалари бўйича*			
		1-тоифадан 4-тоифагача	4-тоифадан 10-тоифагача	10-тоифадан 15-тоифагача	15-тоифадан 20-тоифагача (шу жумладан, 20-тоифа)
1.	Ходимлар сони 50 кишидан кам	Ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига шартнома асосида тайёрланиши мумкин**		Ташкилот томонидан ишлаб чиқилади	
3.	Ходимлар сони 50 кишидан 100 кишигача	Ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига шартнома асосида тайёрланиши мумкин***	Ташкилот томонидан ишлаб чиқилади		
4.	Ходимлар сони 100 киши ва ундан ортиқ	Ташкилот томонидан ишлаб чиқилади			

* Касбий таваккалчилик даражалари Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига мувофиқ белгиланади.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари ушбу Низомнинг 17, 18, 22, 23, 25 ва 27-бандлари талаблари татбиқ этилмаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқади.

*** Ушбу Низомнинг 22 ва 23-бандлари талаблари татбиқ этилмаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
3-илова

*Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўйича йўриқноманинг
ТИТУЛ ВАРАҒИ*

(ташкилотнинг номи)

(бўлинманинг номи)

(йўриқноманинг номи)

**Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
йўриқнома**

(йўриқноманинг тартиб рақами)

(чиқарилган йили ва жойи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўйича йўриқноманинг
БИРИНЧИ САҲИФАСИ

(ташкilotнинг номи)

(бўлинманинг номи)

КЕЛИШИЛГАН

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкilotнинг номи)

Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисида

(ташкilotнинг номи)

Ташкilot раҳбари ёки бош муҳандиси

20__ йил “__” _____

(имзо) (Ф.И.О)

_____ - сон баённома

20__ йил “__” _____

(йўриқноманинг номи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
йўриқнома

(йўриқноманинг тартиб рақами)

МАТН

- I. Умумий хавфсизлик талаблари.
- II. Ишни бошлашдан олдинги хавфсизлик талаблари.
- III. Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари.
- IV. Авария ҳолатларидаги хавфсизлик талаблари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўйича йўриқноманинг
ОХИРГИ САҲИФАСИ

МАТН

V. Иш тугагандан кейинги хавфсизлик талаблари.

_____	_____	_____
(ишлаб чиқувчининг бўлинмаси, лавозими)	(имзо)	(Ф.И.О.)

КЕЛИШИЛГАН:

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (муҳандиси) бошлиғи	_____	_____
	(имзо)	(Ф.И.О.)

Бош технолог*	_____	_____
	(имзо)	(Ф.И.О.)

Бош энергетик*	_____	_____
	(имзо)	(Ф.И.О.)

*Йўриқнома лойиҳасини келишиши шарт бўлган мансабдор шахслар ушбу Низомнинг 25-бандида келтирилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
4-илова

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
рўйхатга олиш журнали шаклининг
ТИТУЛ ВАРАҒИ

(ташкилотнинг номи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни рўйхатга олиш
журнали

Бошланди: 20__йил ” ____ “ _____

БИРИНЧИ ВА КЕЙИНГИ САҲИФАЛАРИ

Т/р	Рўйхатга олиш санаси	Йўриқноманинг номи	Йўриқноманинг тасдиқланган санаси	Йўриқномага берилган белги (тартиб рақами)	Йўриқномани қайта кўриб чиқиш муддати	Йўриқномани рўйхатга олувчининг фамилияси, исми ва отаси исми, лавозими	Йўриқномани рўйхатга олувчининг имзоси

[illegible]

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
6-илова

КЕЛИШИЛГАН

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкilotнинг номи)

(ташкilotнинг номи)

Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисида

Ташкilot раҳбари ёки бош муҳандиси

20__ йил “__” ____

(имзо) (Ф.И.О.)

_____- сон баённома

20__ йил “__” ____

нинг

(бўлинма ва бўлим (цех) номи)

амалдаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Йўриқноманинг белгиси (тартиб рақами)	Йўриқноманинг номи	Йўриқномани ишлаб чиқувчи бўлинманинг номи	Изоҳ

бўлинма ва бўлим (цех)

бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
7-илова

КЕЛИШИЛГАН

(ташкилотнинг номи)

Касаба уюшмаси кўмитаси мажлисида

20__йил “__” ____

____ - сон баённома

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкилотнинг номи)

Ташкилот раҳбари ёки бош муҳандиси

(имзо) (Ф.И.О.)

20__йил “__” ____

нинг

(участка номи)

амалдаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалари
РЎЙХАТИ

Т/р	Йўриқноманинг белгиси (тартиб рақами)	Йўриқноманинг номи	Изоҳ

(бўлинманинг номи, лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

КЕЛИШИЛГАН:

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати
бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни
ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга
8-илова

Касб учун йўриқнома
ТИТУЛ ВАРАҒИ

(ташкилотнинг номи)

(бўлинманинг номи)

Хизмат хоналари фарроши учун
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА
ММ № _____

БИРИНЧИ САҲИФА

(ташкilotнинг номи)

(бўлинманинг номи)

КЕЛИШИЛГАН

(ташкilotнинг номи)

Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисида

20__ йил “__” _____

_____ - сон баённома

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкilotнинг номи)

Ташкilot раҳбари ёки бош муҳандиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____

Хизмат хоналари фарроши учун
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА
ММ № _____

I. Умумий хавфсизлик талаблари

1. Хизмат хоналари фарроши сифатида мустақил ишлашга, соғлиғи бўйича ушбу касбда ишлашга яроқли бўлган, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан, ўқишдан ва билимлар текширувидан ўтказилган шахсларга рухсат берилади (жинси ва ёши бўйича чекловлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ камида олти ойда бир марта, меҳнатни муҳофаза қилиш ва электр хавфсизлиги бўйича тегишли малака гуруҳига билимлар текширувидан камида бир йилда бир марта ўтадилар.

2. Хизмат хоналари фарроши (кейинги ўринларда – ходим) қуйидаги талабларни бажариши шарт:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома талабларини, раҳбар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис, ёнғинга қарши профилактика бўйича йўриқчининг кўрсатмаларини бажариши;

хавфсизлик белгилари талабларини бажариши;

_____ (ташкilotнинг номи) ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш, белгиланган жойларда чекиш, шахсий гигиена қоидаларига ва ўз иш жойида тозалikka риоя қилиш. Спиртли ичимликлар ичиш ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш тақиқланади;

ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, дам олиш ва овқатланиш учун танаффусларни, дам олиш кунларини бериш тартибини ва иш вақтидан фойдаланишнинг бошқа масалаларини назарда тутувчи меҳнат ва дам олиш режими ҳамда иш жадвалига риоя қилиши;

ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талабларига риоя қилиш, ёнғин ҳақида огоҳлантириш сигналларини, ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартибини, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг жойлашишини билиши ва улардан фойдалана олиши;

жароҳатланиш юз берганда жабрланганга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатишни билиши, дарҳол ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши, зарур бўлганда тез тиббий ёрдамни чақириши керак.

3. Ходимга технологик жараёнда таъсир қилувчи асосий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

иш жойи ҳавосидаги чанг миқдорининг юқорилиги;

ҳаво ҳаракатининг юқорилиги;

иш жойининг етарли даражада ёритилмагани;

электр токи, у қисқа туташув ҳосил бўлганда инсон танасидан ўтиши мумкинлиги;

асбоб-ускуналар, асбоблар ва мосламалар юзаларида ўткир қирралар, бурмалар ва дағалликларнинг қўлни кесиш хавфи;

кимёвий қуйиш, кўзнинг шиллиқ пардалари, оғиз бўшлиғи ёки нафас олиш органларида тирнаш хусусиятининг ҳосил бўлиш эҳтимоли;

сирпанчик пол;

жисмоний зўриқиш ва бошқалар.

4. Ходим белгиланган меъёрларга мувофиқ махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши ва иш вақтида улардан фойдаланиши шарт.

5. Ушбу йўриқнома талабларини бузган шахслар _____

(ташкilotнинг номи) ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

II. Ишни бошлашдан олдинги хавфсизлик талаблари

6. Ходим қуйидаги талабларни бажариши шарт:

махсус кийимни кийиш, унинг барча тугмаларини қадаш, пойабзал қаттиқ тагликка эга бўлиши керак, қўлларни ҳимоя қилиш воситаларини тайёрлаш (қўлқопларни);

ускунанинг мавжудлиги ва хизматга яроқлилигини, тутқич маҳкамланишининг ишончлилиги, электр-механик жиҳозларни ва тозалаш учун ювиш воситаларининг мавжудлигини текшириш;

полларни ювиш учун тозаловчи материал ва латталарда ўткир ёки кесувчи нарсалар бўлмаслигини текшириш.

7. Ишларни хавфсиз бажариш учун тозалаш жойларида етарли ёруғлик мавжудлигини, вентиллар, иссиқ ва совуқ сув кранлари ишчи ҳолатда эканлигини ташқи текширув орқали текшириши керак.

8. Тозаланадиган поллар ва бошқа сиртларнинг ҳолатини текшириш лозим. Тозаланадиган юзаларда (тўкилган ёғлар, шиша бўлаклари) хавфли ва зарарли моддалар бўлса, хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда, уларни олиб ташлаш керак. Шиша парчаларини чўтка билан хокандозга солиш керак.

Полга тўкилган ёғни латта ёки ёғни шимадиган материал билан олиб ташлаш керак.

9. Ходим ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя қилиши керак. Полларни ювиш учун мўлжалланган челақлар маълум бир рангга бўялган бўлиши ёки “пол учун” ёзуви бўлиши керак. Ҳожатхоналарни тозалаш учун жиҳозлар бошқа хоналарнинг тозалаш ускуналаридан ажратилган ҳолда, махсус ажратилган жойда сақланиши керак.

10. Ходим ускунанинг қайд қилинган камчиликлари ва носозликлари тўғрисида раҳбариятга хабар бериши шарт ва улар бартараф этилмагунча ишни бошламаслиги керак.

III. Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари

11. Ходим қуйидагиларга амал қилиши шарт:

ишни бажаришда барча хавфсизлик талабларига риоя қилиши;

иш вақтида ҳушёр бўлишга, ўзи чалғимаслиги ва бошқаларни чалғитмаслиги;

электр ўтказгичларга, электр ускуналарга, айниқса, нам латта билан тегинмаслик;

полларни, дераза ромларини, мебелни ювиш учун тез ёнувчи суюқликлардан фойдаланмаслик;

тор йўлларда, эшик ўринларида супургилар, латталар, швабралар, чангюткичлар ва бошқаларни қолдирмаслик;

латта ёки бошқа иш қуролларини қурилмалар ҳамда мумкин бўлмаган бошқа жойларда қолдирмаслик;

бинонинг тушиш зиналари ва эшиклари олдини тозалаганда эҳтиёт бўлиши керак.

12. Ойналарни юваётганда тасодифий нарсаларга ёки дераза токчасига чиқмаслик, балки махсус нарвондан фойдаланиш керак.

13. Оғир юкларни кўтариш ва ташиш амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида танланади.

14. Ахлат ва чиқиндиларни бевосита қўл билан йиғиштирмаслик, балки уларни йиғиштиришда чўтка ва хокандоздан фойдаланиш керак.

15. Қўл кесилишининг олдини олиш учун сават ёки ахлатдонга йиғилган ахлатни қўл билан зичлаштириш мумкин эмас.

16. Ювиш ва дезинфекциялаш воситалари билан ишлаётганда резина қўлқоплардан фойдаланиш керак. Хлорли сув билан полларни ювишда, бир челақ иссиқ сувга 100 граммдан кўп бўлмаган хлорли оҳақ солинади.

17. Унитазларни тозалаш ва дезинфекциялашни резина қўлқопда чўткани ишлатиш билан бажариш керак.

18. Бинодан ахлатни фақат махсус ажратилган жойга олиб чиқиш лозим. Ахлатни ташкилот ҳудудида ҳар томонга ташламаслик керак.

19. Поллар чўтка ёки супургида тозаланиши керак. Полларни супурганда чанг чиқишини камайтириш мақсадида уларга сув пуркаш ёки намланган супурги ёки чўтка билан йиғиштириш керак.

20. Полларни ювишдан олдин уларни супуриб ва жароҳатлаш хавфи бўлган нарсаларни: михлар, синган шиша ва бошқа ўткир санчиладиган ва кесадиған нарсаларни чўтка ва хокандоз билан олиб ташлаш керак. Полларни латтада швабрадан фойдаланган ҳолда ювиш керак. Ювилган полларни қуруқ қилиб артиб олиш керак.

21. Иссиқ сувни фақат соз челақка олиш керак, бунда челақни тўртдан уч қисмидан оширмаган ҳолда тўлдириш керак.

22. Ювиш ва дезинфекциялаш воситаларининг сачрашига, уларнинг эритмаси тери ва шиллик қаватларга тушишига йўл қўймаслик керак. Эритма терига ёки кўзга тушган ҳолда дарҳол оқаётган сув оқими билан ювиб ташлаш зарур. Эритманинг оғиз бўшлиғига тушишига йўл қўймаслик керак, бу ўткир захарланишга олиб келиши мумкин.

23. Эшик, девор, панелларни ювиш ва артишдан олдин мих ва бошқа учли металллар йўқлигини текшириш керак. Деразаларни ювишда ром ва ойналарнинг мустаҳкам қотирилганини текшириш зарур.

24. Мебель ва столларни сурганда, уларнинг устидаги тушиб кетиши мумкин бўлган буюмларни олиб қўйиш зарур.

25. Столларни йиғиштирганда уларда ўткир нарсаларнинг (игна, кнопка ва бошқалар) йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, ундай нарсалар бор бўлган тақдирда, уларни йиғиб олиш, кейин стол юзасини нам латта билан енгилгина артиш зарур.

26. Столдан столга ўтаётганда, осилиб турган телефон ва электр симларга тегиб кетмаслик учун уларга қараш керак.

27. Стол устида турадиган лампа, вентилятор ва бошқа электр асбобларни артишда уларни электр тармоғидан узиб қўйиш керак (вилкани штепсель розеткадан чиқариб олиш). Хонада жойлашган штепсель розетки, ўчириб-ёқиш мосламаларини фақатгина қуруқ латта билан артиш зарур.

28. Техник хоналарни техник хизмат кўрсатувчи ходимлар иштирокида йиғиштириш керак бўлади.

IV. Авария ҳолатларидаги хавфсизлик талаблари

29. Авария ва бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар юзага келса, ходим қўйидагиларни бажариши шарт:

дарҳол ишни тўхтатиши, хавфли зонадан ўзи чиқиб кетиши ва инсонларни олиб чиқиши;

бахтсиз ҳодиса юз берганда, зарарланиш манбаидан жабрланганни қутқариш, жабрланганга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиши зарур бўлганда тез-тиббий ёрдамни чақириш, бевосита раҳбарига хабар бериш, имкониятга қараб раҳбарият келгунича ҳодиса юз берган жойни ўзгаришсиз сақлаш;

хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда энг шошилишч носозликларни бартараф этиш.

30. Ёнғин ўчоғи аниқланган ҳолда қуйидагиларни бажариш лозим:

дарҳол ёнгин хавфсизлиги хизматига ва бевосита раҳбарига хабар бериш;
мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида ёнгинни бартараф қилишга киришиш.

V. Иш тугагандан кейинги хавфсизлик талаблари

31. Ходим қуйидагиларга амал қилиши шарт:

тозалаш сифатини текшириб, ўз участкасини айланиб чиқиш;

юз ва қўлларини илиқ сувда совун билан ювиш;

хоналарни йиғиштириш вақтидаги аниқланган камчиликлар ҳақида бевосита раҳбарга хабар бериш.

32. Тозалаш ускуналари ва латталарини ювиш воситалари ва дезинфекциялаш воситалари ёрдамида ювиш, белгиланган концентрация ва ҳароратга риоя қилган ҳолда қуриштиш ва белгиланган жойга олиб қўйиш лозим.

33. Ахлатни, ифлосланган латталарни йиғиб, белгиланган жойга чиқариб қўйиш керак.

34. Ювиш ва дезинфекциялаш воситаларини йиғиштириб қўйиш керак. Шахсий ҳимоя воситаларини ечиш ва махсус белгиланган жойга олиб қўйиш керак.

(ишлаб чиқувчининг бўлинмаси, лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О)

КЕЛИШИЛГАН:

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати
(муҳандиси) бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош технолог*

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош энергетик*

(имзо)

(Ф.И.О)

*Йўриқнома лойиҳасини келишиш шарт бўлган мансабдор шахслар ушбу Низомнинг 25-бандида келтирилган.

*Иш тури учун йўриқнома
ТИТУЛ ВАРАҒИ*

(ташкilotнинг номи)

(бўлимнинг номи)

**Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари
ва ташкилий техникалар билан ишлашда
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА
ММ № _____**

(ташкilotнинг номи)

(бўлимнинг номи)

КЕЛИШИЛГАН

(ташкilotнинг номи)

Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисида

20__ йил “__” _____

_____ - сон баённома

ТАСДИҚЛАЙМАН

(ташкilotнинг номи)

Ташкilot раҳбари ёки бош муҳандиси

(имзо) (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____

**Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари
ва ташкилий техникалар билан ишлашда
МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА**

ММ № _____

I. Умумий хавфсизлик талаблари

1. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникаларда ишлашга соғлиғи бўйича ушбу турдаги ишларни бажаришга яроқли бўлган, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан, ўқишдан ва билимлари текширувдан ўтказилган шахсларга (кейинги ўринларда – ходим) рухсат берилади (жинси ва ёши бўйича чекловлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ камида олти ойда бир марта, меҳнатни муҳофаза қилиш ва электр хавфсизлиги бўйича тегишли малака гуруҳига билимлар синовии камида бир йилда бир марта ўтказилади.

2. Ходим қуйидаги талабларни бажариши шарт:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома талабларини, раҳбар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис, ёнғинга қарши профилактика бўйича йўриқчининг кўрсатмаларини бажариши;

_____ (ташкilotнинг номи) ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш, белгиланган жойларда чекиш, шахсий гигиена қоидаларига ва ўз иш жойида тозалikka риоя қилиш;

спиртли ичимликлар ичмаслик ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик;

ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талабларига риоя қилиш, ёнғин ҳақида огоҳлантириш сигналларини, ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартибини, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг жойлашишини билиши ва улардан фойдалана олиши;

жароҳатланиш юз берганда жабрланганга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатишни билиши, дарҳол ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши, зарур бўлганда тез-тиббий ёрдамни чақириши керак.

3. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар билан ишловчилар қуйидаги ишлаб чиқариш муҳитининг ва меҳнат жараёнининг ноқулай омиллари таъсирига тушиб қолиши мумкин:

кўриш анализатори ва диққат қилиш функциясининг зўрайиши;

электрмагнит майдони;

кўл мушаклари ва бармоқлари иштирокида бир хил ҳаракатлар;

гипокинезия, мажбурий ишчи ҳолат, монотония;

шахсий компьютерлар экранларининг тўғридан-тўғри ёрқинлик даражаси ошгани;

кўриш соҳасида шахсий компьютерлар экранлари ёрқинлигининг нотекис тақсимланиши;

руҳий-ҳиссий зўриқиш;

электр токидан шикастланиш хавфи ва бошқалар.

4. Ходим аниқ белгиланган техник танаффусларга амал қилиши, шу вақтда иш қобилиятини тиклаш учун комплекс машқлар бажариши тавсия этилади.

5. Иш жойини кўздан кечириш пайтида аниқланган барча камчиликлар, шунингдек ускуналарнинг носозликлари тўғрисида раҳбарга уларни тўлиқ бартараф этиш ёки алмаштириш чораларини кўриш учун хабар бериш лозим.

6. Ушбу йўриқнома талабларини бузган шахслар _____ (ташкilotнинг номи) ходимлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

II. Ишни бошлашдан олдинги хавфсизлик талаблари

7. Ташкилий техникалар билан ишлашни бошлашдан олдин ходим қуйидагиларни бажариши зарур:

гавданинг ноқулай ҳолатининг олдини олиш мақсадида иш жойидан ва кийим чўнтагидан бегона нарсаларни олиб ташлаб, иш жойини ишлашга тайёрлаш;

иш столи ҳамда ташкилий техника жиҳозларининг ишончли ўрнатилгани ва жойлаштирилганини текшириш;

ускунанинг тўғри жойлашишини текшириш;

иш жойидаги ёритилганлик даражасини тўғрилаш, экранда ва клавиатурада акс этган шуъалар, шунингдек, қарама-қарши ёруғлик оқими йўқлигига ишонч ҳосил қилиш;

нусха кўчириш ёки чоп этиш учун офис жиҳозларини ёқишдан олдин ва узоқ муддатли фойдаланиш вақтида иш жойини шамоллатиш.

8. Ташкилий техникаларни ёқишдан олдин қуйидагиларни бажариш лозим:

шахсий компьютерни визуал текшириш;

розеткаларни, электр шнури вилкаси ва электр таъминоти шнурларининг хизмат кўрсатишга яроқлилигини, симнинг очик қисмлари йўқлигини текшириш;

ускунанинг электр тармоғига тўғри уланганини текшириш;

узлуксиз қувват манбаларини текшириш, уларнинг ортиб бораётган магнит майдонларининг зарарли таъсирини бартараф этиш, уларнинг иш жойидан имкон қадар узоқроқ тутилиши;

экран ўтказгич коннекторлари ва периферик жиҳозларнинг тизим блокига уланишининг ишончлилигини текшириш;

мониторнинг сиртини антистатик мато билан артиш, электр улагичларга тегмасдан, шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар юзасини махсус мато билан артиш;

ускуналар корпусидаги вентиляция тешикларига ҳавонинг эркин киришини таъминлаш;

ўт ўчириш ускуналари ва тиббий ёрдам қутичасидан бемалол фойдаланишни таъминлаш.

9. Махсус ерга уланган контактлари бўлмаган узайтиргичлар, филтрлар, учталиклар ва бошқалардан фойдаланиш тақиқланади.

10. Компьютерни ёқишда ходим ускунани ёқишнинг қуйидаги кетма-кетлигига амал қилиши керак:

қувватлар манбаини ёқиш;

периферик қурилмаларни (принтер, монитор, сканер ва бошқалар) ёқиш;

тизим блокин (процессор) ёқиш.

III. Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари

11. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар билан ишлашда қуйидагиларни бажариш зарур:

фақат топширилган ишни бажариш;

кўздан экрангача бўлган масофани 60-70 см (лекин камида 50 см) ичида сақлаш.

12. Агар сиз бир муддат ишлашни тўхтатишингиз керак бўлса, барча фаол вазифаларни тўғри ёпиш;

матнларни таҳрирлаш ва маълумотларни киритиш ўртасида алмашиниш (иш мазмунини ўзгартириш).

13. Оператор (фойдаланувчи) шахсий компьютер билан ишлашдаги танаффус вақтида видеотерминалга яқин жойда (2 м дан кам) бўлишга мажбур бўлгандагина қувватни ўчириш, акс ҳолда қувватни ўчиришга рухсат берилмайди;

фойдаланиш йўриқномаси талабларига мувофиқ ускунадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

14. Нусха кўчириш ва кўпайтириш техникаси билан ишлашда қувватлар симининг ёки электр симининг вилкаси қизиб кетганини текшириш керак.

15. Электр жиҳозларини ёқиш ва ўчиришда электр симининг вилкасини ушлаш керак бўлади.

16. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар билан ишлашда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

фаол вазифани бажараётганда қувватни ўчириш;

қувват ёқилганда периферик қурилмаларнинг интерфейс кабеллар улагичларини алмаштириш;

ташқи қурилмаларни шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар улагичларига, шу жумладан, узлуксиз қувват манбаига улаш (агар мавжуд бўлса);

тизим блоки (процессор), монитор, клавиатуранинг ишчи юзаси, диск юритувчилар, принтерлар ва бошқа қурилмалар юзасига намлик тушишига;

шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникаларни мустақил очиш ва таъмирлаш;

қурилмаларнинг вентиляция тешикларини тўсиб қўйиш;

иш жойини ивирситиш;

тез-тез қувват ўчиргичларини ўзгартириш;

ёқилган шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникаларни қаровсиз қолдириш.

17. Ишни бажараётган вақтда фавқулотда вазиятнинг олдини олиш учун электр хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш керак.

18. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникаларда носозлик аниқланганда ҳамда тозалаш ва йиғиштиришда электр таъминотини, шунингдек, узлуксиз ток таъминоти манбаини (мавжуд бўлса) албатта узиш керак.

19. Ходимларнинг соғлиғи ва иш қобилиятини сақлаш учун иш вақтида танаффуслар белгиланиши керак. Компьютер техникасида танаффуссиз узлуксиз ишлаш давомийлиги 2 соатдан ошмаслиги керак.

20. Иш бошланганидан 2 соат ўтгандан кейин 15 дақиқали давомийликда танаффус, тушлик танаффусидан кейин эса ҳар иш соатидан кейин белгиланади. Тунги сменадаги ишда белгиланадиган танаффуснинг давомийлиги 20 дақиқагача бўлиши мумкин.

21. Белгиланган меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилмаслик ходимларда марказий асаб тизими, кўриш органи зўриқиши, умумий толиқишнинг авж олиши ва бошқаларга олиб келиши мумкин.

22. Кўзларда оғриқ пайдо бўлганда, кўриш ёмонлашганда, қўл бармоқларида оғриқ кучайган ҳолда ўзининг аҳволи ҳақида раҳбарига маълум қилиши ва шифокорга мурожаат қилиши зарур.

23. Белгиланган танаффуслар вақтида қуйидагиларни бажариш зарур:

23.1. Кўз учун машқлар комплекси:

кўз мушакларини таранг қилиб, 1-4 ҳисобда кўзлар бекилади, кейин кўз мушакларини бўшаштириб кўзлар очилади, 1-6 ҳисобда олисга қаралади. 4-5 марта такрорланади.

бурун кўпригига (қаншари) қаралади ва 1-4 ҳисобда узоқларга қараш ушлаб турилади. Кўзларни чарчатмаслик керак. Кейин кўзлар очилади, 1-6 ҳисобда олисга қаралади. 4-5 марта такрорланади.

қарашни диагонал бўйлаб тез кўчирилади; ўнгга юқорига-чапга пастга, кейин 1-6 ҳисобда олисга; кейин чапга юқорига ва 1-6 ҳисобда олисга. 4-5 марта такрорланади.

кўз мушакларини зўриқтирмасдан кўзни юмиш, 1-4 ҳисобда кўзни кенг очиб узоққа 1-6 ҳисобда қараш. 4-5 марта такрорланади.

бошни бурмасдан (бошни тўғрига), юқорига-ўнгга-пастга-чапга кўз билан секин ва қарши томонга юқорига-чапга-пастга-ўнгга айлана ҳаракатлар қилинади. Кейин 1-6 ҳисобда олисга қаралади. 4-5 марта такрорланади.

1-4 ҳисобда 30 см масофа узоқликда қараш буюмда тўхтатилади, кейин 1-6 ҳисобда олисга қаралади. 4-5 марта такрорланади.

Юқоридаги 6 машқдан турли хилда уч варианты бажарилади.

23.2. Умумий таъсир кўрсатувчи жисмоний машқ танаффуси:

дастлабки ҳолат – оёқлар икки ёнга, 1- қўллар орқага, 2-3 марта қўллар ёнга ва юқорига, оёқ учида туриш, 4 марта елкаларни бўш қўйиб, олдинга озроқ эгилиб қўллар пастга. Паст темпда 4-6 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – оёқлар икки ёнга, қўллар олдинга букилган, панжалар муштланган. 1 марта гавдани чапга буриб ўнг қўл билан олдинга зарб берилади. 2-дастлабки ҳолат 3-4 марта бошқа томонга. Нафасни тўхтатмасдан 6-8 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – оёқлар ёнга, қўллар олдинга, 1 марта гавдани ўнгга буриб чап қўлни ўнгга силташ, ўнг қўл орқага. 2- дастлабки ҳолат 3-4 марта шунинг ўзи бошқа томонга. Машқлар йирик қадам ташлаб, жўшқин бажарилади. Жадал темпда 6-8 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – оёқлар ёнга, қўллар белда, дастлабки ҳолатда тосни ўнгга буриб, елкаларни бўш қўйиб, 1-3 марта пружинасимон ҳаракат қилинади. 4-дастлабки ҳолат. Нафасни тўхтатмасдан, ўртача темпда ҳар тарафга 4-6 марта такрорланади.

Юқоридаги 4 машқдан турли хилда иккита вариант бажарилади.

23.3. Мия қон айланишини яхшилаш учун жисмоний машқ танаффуси:

дастлабки ҳолат – стулда ўтирган ҳолда 1-2 марта бош орқага ва оҳиста орқага эгилади. Елкалар кўтарилмасдан 3-4 марта бош олдинга эгилади. Паст темпда 4-6 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – стулда ўтирган ҳолда, қўллар ёнга, кафтлар олдинга, бармоқлар ораси очик. 1-қўл билан елкаларни кучоқлаб маҳкам ва ўнгга эгилиш мумкин. 2- ўшанинг ўзи чапга. Жадал темпда 4-6 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – стулда ўтирган ҳолда, қўллар белда, 1-2 марта ўнг қўл билан орқага айланма ҳолда гавда ва бошни ўнгга буриш. 3-4 ўшанинг ўзи чап қўл билан. Паст темпда 4-6 марта такрорланади.

дастлабки ҳолат – стулда ўтирган ҳолда, қўллар белда, 1-бош ўнгга бурилади. 2-ўшанинг ўзи чапга. Паст темпда 6-8 марта такрорланади.

Юқоридаги 4 машқдан турли хилда иккита вариант бажарилади.

Машқларни танлаш ва бажариш ишловчиларнинг чарчоқ ҳиссига қараб алоҳида танланади.

IV. Авария ҳолатларидаги хавфсизлик талаблари

24. Авария ва бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар юзага келса, ходим қўйидагиларни бажариши шарт:

дарҳол ишни тўхтатиш, хавфли зонадан ўзи чиқиб кетиш ва инсонларни олиб чиқиш;

бахтсиз ҳодиса юз берганда зарарланиш манбаидан жабрланганни қутқариш, жабрланганга шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш, зарур бўлганда тез-тиббий ёрдамни чақириш, бевосита раҳбарига хабар бериш, имкониятга қараб раҳбарият келгунича ҳодиса юз берган жойни ўзгаришсиз сақлаш;

хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда энг шошилиш носоэликларни бартараф этиш.

25. Ёнгин ўчоғи аниқланган ҳолда қўйидагиларни бажариш лозим:

ёнгин хавфсизлиги хизмати ва бевосита раҳбарига хабар бериш;

мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида ёнгинни бартараф қилишга киришиш.

V. Иш тугагандан кейинги хавфсизлик талаблари

26. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникаларда ишни тугатгандан кейин қуйидагиларни бажариш лозим:

барча фаол вазифаларни ёпиш;
операцион тизим ишини (дастурни) тўғри тугатиш;
тизим блокиннинг (процессорнинг) қувватини ўчириш;
периферик қурилмаларнинг қувватини ўчириш;
қувват манбаини ўчириш.

27. Нусха кўчириш ускуналари билан ишлашни тугатгандан сўнг қуйидагиларни бажариш зарур:

алмаштириш тугмаси ёрдамида қурилмани қувват манбаидан узиш;
электр шнури ва вилканинг хизматга яроқлилигини текшириш, вилкани розеткадан чиқариб олиш;
намликни ютмаслиги учун пакетда сақлаш.

28. Иш тугагандан сўнг иш жойини тартибга солиш керак.

29. Керакли шахсий гигиена чораларини кўриш керак.

30. Шахсий компьютерлар, видеодисплей терминаллари ва ташкилий техникалар, дисплей, периферия қурилмалари ва нусха кўчириш ускуналари ишида аниқланган барча камчиликлар ҳақида бевосита раҳбарга хабар бериш керак.

(ишлаб чиқувчининг бўлимаси, лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О)

КЕЛИШИЛГАН:

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (муҳандиси)
бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош технолог*

(имзо)

(Ф.И.О)

Бош энергетик*

(имзо)

(Ф.И.О)

*Йўриқнома лойиҳасини келишиши шарт бўлган мансабдор шахслар ушбу Низомнинг 25-бандида келтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “24” декабрдаги 819-сон қарорига
4-илова

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда (кейинги ўринларда – ташкилотлар) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – вакил) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва йўриқномаларга риоя этилишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан ташкилот ходимлари орасидан касаба уюшмаси ташкилотининг ваколат муддатига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари йиғилишида белгиланган муддатга, лекин камида бир йилга сайланади.

3. Вакиллар номзоди меҳнат жамоасининг аъзолари томонидан сайлов ўтказилишидан камида етти кун аввал бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига тақдим этилади. Бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими билан биргаликда номзодлар билан фаолиятида бажарадиган вазифалари доирасида суҳбат ўтказади ва номзодни сайловга қўйиш борасида ўз қарорини қабул қилади.

4. Номзодлар вакил бажарадиган вазифаларга билими, тажрибаси, саломатлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра тайёр бўлмаса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номзодларни қайта кўриб чиқиш таклифи билан меҳнат жамоасига қайтариши мумкин.

5. Ўз лавозимига кўра ташкилотдаги меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолати учун жавобгар бўлган шахслар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларидан бўлган шахслар вакил этиб сайланиши мумкин эмас.

6. Ташкилотда ишловчиларнинг сонидан, унинг бўлинмалари географик жиҳатдан турли ҳудудларда жойлашганидан, меҳнат шароитларининг хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда бир неча вакил, шу жумладан, алоҳида бўлинмаларда сайланиши мумкин. Бундай ҳолларда вакиллардан бирига “Бош вакил” мақоми берилади ва у вакилларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вакилларнинг сайланишини таъминлаш учун жавобгарлик иш берувчи ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига юкланади.

7. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлайди.

8. Вакил ўз фаолияти тўғрисида жамоа шартномасида ёки жамоа келишувида белгиланган муддатларда, аммо бир йилда камида бир марта меҳнат жамоаси олдида, чорак якуни билан эса бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳисобот беради.

2-боб. Вакил вазифалари ва ҳуқуқлари

9. Қуйидагилар вакилнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мунтазам равишда мустақил ёки назорат қилувчи органлар билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

тазйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай шаклда намоён бўлишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ходимларни хавфсизлик талаблари бузилганлиги аниқлангани ҳақида огоҳлантириш.

10. Вакил ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида текшириш далолатномасини тузиш ва иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланганини назорат қилиш;

меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ташкилот раҳбаридан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар ва нормалар лойиҳаларини, шунингдек, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли тарафларнинг аралаш жавобгарлигида ташкилот раҳбарияти айби даражаси тўғрисида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар талабларини бузган ёки ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан ўзига ҳам, бошқа ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётига ҳам таҳдид соладиган ходимларни жавобгарликка тортиш талаби билан иш берувчига ёки таркибий бўлинма раҳбарига мурожаат қилиш;

ходимларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича иш берувчига тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, суд ҳаражатларини тўлашдан озод этилган ҳолда, судга даъво аризаси билан мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилгани, шунингдек, меҳнат шaroитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

11. Вакил ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меҳнат жамоасининг, зарур ҳолларда эса касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари номидан давлат, суд ва жамоат ташкилотларида ваколатли вакили ҳисобланади.

12. Вакил ўз фаолиятини ушбу Низомга ва ташкилотнинг ички ҳужжатларига асосан ташкилотнинг мутассадди ходимлари ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

3-боб. Иш берувчининг мажбуриятлари

13. Иш берувчи вакил фаолиятини йўлга қўйиш учун қуйидагиларга мажбур:

вакилнинг ҳуқуқларини таъминлаши, унинг фаолиятига кўмаклашиши;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирокида бир ой муддатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган ваколатли шахсларни иш берувчи томонидан тасдиқланган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган дастурлар бўйича иш берувчи маблағлари ҳисобидан ўқитишни ташкил этиши;

вакил вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитларни яратиши, меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ҳамда бошқа маълумотнома материаллари билан таъминлаши, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича вакил томонидан киритилган асосли таклифларини амалга ошириш чораларини кўриши;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир қоидалар, нормалар ва йўриқномалар ишлаб чиқиладигани ҳақида вакилни ҳабардор қилиши ва унинг розилигини олиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари тўғрисида, шунингдек, меҳнат фаолияти билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборотни тақдим этиши;

вакилга ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар ҳафтада камида икки соат давомида ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этади (бу вақтнинг аниқ давомийлиги ва кунлари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари келишувига биноан белгиланади).

14. Вакилнинг ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз амалга оширишга доир масалалар юзасидан киритган таклифларини иш берувчи 10 кун муддатда кўриб чиқиши ва қабул қилган қарорлари ҳақида унга ёзма равишда асосли жавоб бериши лозим.

4-боб. Вакил фаолиятининг кафолатлари

15. Ташкилот бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари сайланган вакилга сайлов ўтгандан кейин уч иш кунидан кечикмай гувоҳнома беради. Гувоҳнома шакли ташкилотнинг локал ҳужжатлари билан тасдиқланади. Вакил ушбу гувоҳномага асосан хизмат кўрсатадиган участканинг барча иш жойларига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

16. Иш берувчи билан вакил ўртасидаги низо, агар низо вакилнинг вакиллик вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ёки манфаатдор тарафнинг мурожаатига кўра суд тартибида ҳал этилади.

17. Вакилга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг олдиндан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

18. Вакил ўзнинг вакиллик вазифаларини бажаргани учун иш берувчи томонидан рағбатлантирилиб борилади. Шунингдек, вакил ушбу вазифалар учун бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан ўз маблағлари ҳасобидан рағбатлантирилиши мумкин.

19. Жамоа шартномасида ёки жамоа келишувида касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари таркибига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ходимлар учун ушбу тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар вакилга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

20. Вакил ўзига юкланган вазифаларни қониқарсиз бажарган ҳолларда бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ташаббуси билан, уни сайлаган органнинг қарори билан муддатидан аввал вазифасидан озод этилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоида

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” декабрдаги 819 - сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида” 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси ва қарорга 3-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорининг 12-банди ва қарорга 5-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПК–4058-сон қарори)” 2019 йил 6 мартдаги 195-сон қарорининг 37-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига 6-илованинг 15-банди “б” кичик банди.

